Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 54 (7. 143) ◎ 1990 йил 6 март, сешанба ◎ Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVIII съезди олдидан: партияни янгилаш

ОШКОРА ФИКРЛАР

⊙ КПСС Марказий Комитетининг партиянинг XXVIII съездига ҳаракат дастурини шаҳримиз меҳнат коллективлари қатори Ўрта Осиё кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва хизматчилари ҳам кенг муҳокама қилмоқдалар. Улар бу ҳақда ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиряптилар.

С. ГРОСМАН, бирлашма бош бухгалтери, цех партия ташкилотининг секретари:

— Ҳаракат дастурининг еттинчи қисмида партияни янгилашнинг бир қатор тадбирлари белгиланган. Давр тақозоси янгиланишни талаб этаётган экан, уни кечиктирмай амалга оширишимиз лозим. Лойиҳада шаҳар партия комитетлари ҳақида фикр юритилмаган. Менимча, бу тўғри. Партия бюджети тўғрисида ошкоралик бўлиши лозим. Вақти-вақти билан КПСС Марказий Комитети йиғилган бадаллар ва унинг сарфланиши ҳақида ҳисобот бериб турсин. Яна бир фикрим: келгусида партия ташкилотлари асосан мафкуравий ишлар билан шуғуллансалар айни муддао бўларди. Партия обрўсининг пасайиб кетишига Советлар бажарадиган ишга ҳам партия ташкилотларининг аралашуви, иқтисод ва бошқа соҳалар устидан ҳукм юргизганлигида эканлиги намоён бўляпти.

А. ЖЎРАБОЕВ, бирлашма босмахонаси ишчиси:

— Корхонамизда ўндан ортиқ миллат вакиллари меҳнат қиладилар. Бир оға-инидек ишлаб, умумхалқ манфаати йўлида ҳаракат қиляпмиз. Партия ва ҳукуматимиз миллатларнинг тинч-тотув яшашлари учун ғамхўрлик қилмоқда. Лойиҳада ҳам бу ўз аксини топган. Масалан, КПСС — барча халқларнинг она тилидан эркин фойдаланиш, уни миллий-давлат автономияси доирасида давлат тили деб эълон қилишдан иборат шак-шубҳасиз ҳуқуқни ёқлайди, деб ёзилган. Буни қўллаб-қувватлаш лозим.

Ж. РОЗИҚОВ: цех партия ташкилотининг секретари:

— Партиянинг авангардлик ролини сақлаб қолиш керак. Ана шунда кўппартияликка ҳожат қолмайди. Бунинг учун ўтган ишларни кавлаштириш билан овора бўлмасдан ҳамма жабҳаларда дадил ҳаракат қилиш керак. Яна бир томони, юқори партия ташкилотининг раҳбари ҳам оддий ишчи коммунист билан баравар поғонада бўлиши лозим. Партиянинг бюджетига келсак, бошланғич партия ташкилотлар учун йиғилган бадалларнинг бир қисмини олиб қолишга рухсат берилсин. Токи бирор ишчи ёки хизматчини қутлуғ кун билан тақдирлаш чоғида маъмурият, касаба союзмаблағидан келган совғага шерик бўлмасин. Ташаббуслар, ҳалол коммунистларни моддий жиҳатдан тақдирлашга партия ташкилоти ҳам ҳисса қўшсин.

Суҳбатдош С. ШАМСИДДИНОВ.

ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

Ошкора айтадиган бўлсак, кейинги йилларида КПССнинг авангардлик роли анчагина сусайиб, маълум даражада халқ ўртасида ўз обрўсини йўқотди. Бунинг асосий сабаблари — турғунлик даврида партиянинг мансабдор шахслари виждонларидан қўрқмай, уялмай порахўрликни, бюрократликни, адолатсизликни авжига чиқариб юбордилар. Ахир уларнинг деярли ҳаммаси олий партия мактабларида В. И. Ленин таълимотини, васиятларини чуқур ўрганиб, уни ўз ҳаётларида тадбиқ қилишни ўйлагандирлар. Афсуски, улар бунинг аксини қилдилар.

В. И. Ленин 1887 йили гимназияни олтин медаль билан тугатган. Тақдир Ленинни ер қуррасининг жуда кўп жойларида ночорлик билан яшашни лозим кўрганида ҳам ўттиз йилдан ортиқ олтин медалини асраб, 1918 йили Россия халқи очликдан, касалликдан ўлаётганида, америкаликлар келиб «Бизга олтинларингизни беринглар, биз сизларга дон берамиз», деганида доҳий Ленин олтин медалини топшириб, донни халқига берган. Ана коммунистнинг амалий қиёфаси ва халқига эътиқоди!

В. И. Ленин шундай деган: «Биз партия аъзоси деган номни ва унинг аҳамиятини юқори ва янада юқори кўтаришга ҳаракат қилишимиз лозим». Шундай экан, онгимизни, тафаккуримизни Ленин ғоялари билан тўлиқ суғориб, халқнинг дарди билан ҳамоҳанг бўлайлик, халқ билан бир хилда яшайлик. Зинҳор ва базинҳор манманликка, киборликка, шахсий манфаатга йўл қўймайлик.

Марказий телевидениенинг телекўприк кўрсатувида москваликлар токиоликларга «СССРни қандай ҳукумат деб тушунасиз?» деган саволларига улар: «Биз СССРни бюрократизмга асосланган ҳукумат деб тушунамиз» деган жавобни беришди. Гарчи бу сўз жуда тўғри бўлмасада, унинг тагида нисбатан ҳақиқат бор. Хатоларимиз четдан туриб йилт этиб кўзга ташланади. Шундай экан, биз бутун эътиқодимиз билан Ленин ғояларининг чинакам фидойилари бўлиб қолишимиз шарт. Ана шунда ҳар биримиз ўз-ўзимизга савол бериб, Коммунистик партия учун нима қилдим, деб ўзлигимизни англай оламиз. Жамиятни инқироздан ишлаб чиқаришдаги юқори ютуқлар эмас, маънавий шаклланиш, маънавий юксалишгина сақлаб қолиши мумкин. Улуғ рус ёзувчиси Л. Н. Толстой айтганидек: «Агар бизнинг юрагимиз бўм-бўш бўлса, уни қонунлар билан ҳам, сиёсий ислоҳотлар билан ҳам тўлдириб бўлмайди. Юрагимизни кўтариб турадиган устун бу бизнинг эътиқодимиздир».

Ҳақ гап. Коммунистда мақсад учун эътиқодгина унинг тўғри йўлдан боришига ҳамроҳ бўлиб қолаверади.

А. ҲАЙДАРОВ, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

Тонгги газеталарда

⊙ КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачев 4 март куни Москва шаҳар Октябрь районидаги Москва шаҳар ва Октябрь район Советларининг РСФСР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи 11/311-сайлов участкада овоз берди. Сайлов участкасида москваликларнинг катта группаси йиғилди, совет ва ажнабий мухбирлар ҳозир бўлдилар. Михаил Сергеевич бюллетенларни қутига ташлаши биланоқ кўпсонли саволларга жавоб қайтарди, Марказий телевидениега интервью берди. Бугун газеталарда ана шу интервью берилган.

⊙ 3 март куни Кремлда М. С. Горбачев раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

СССР Олий Советининг топшириғига биноан Олий Совет Президиуми СССР Олий Совети комитетларининг ва Олий Совет палаталари комиссияларининг СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда СССР Конституциясига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси юзасидан таклифлари, мулоҳазалари, киритган аниқликларини кўриб чиқди, бу Қонун лойиҳаси СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари Съезди муҳокамасига қўйилади. Мазкур Қонун лойиҳаси бугун матбуотда эълон қилинган.



⊙ ФАБРИКА МАШЪАЛИ. Тошкент тўқимачилик комбинати ип-йигирув фабрикасининг эшувчиси Роза Аюпова. Р. Шарипов сурати.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ҚИММАТГА ТУШАЁТГАН БЕКОР ТУРИШЛАР

⊙ 2 март куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов олиб борган мажлисда шаҳар иқтисодиётидаги энг ишкал масалалардан бири — Тошкент темир йўл станцияларида вагонлардаги халқ хўжалиги юкларини тушириб олиш ва ташиб кетишнинг аҳволи тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

БЕЛГИЛАНГАН анъанага кўра шаҳар Совети ижроия комитетига даставвал шаҳар корхоналари ва ташкилотлари томонидан контейнерлар ва пакетларда, марказлашган усулда юк ташишни ривожлантириш, юклаш ва юк тушириш ишларини тўла-тўкис механизациялашни жорий этиш бўйича қилинган ишлар тўғрисида ахборот берилди. Кўп иш қилинганми? Марҳамат, ўзингиз тарозига солиб кўринг.

Беш йиллик бошидан буён Тошкент-товар станциясида ишлаб чиқариш-техника асосини яратиш, механизациялашган майдонларни қуриш ва таъмирлаш учун 300 минг сўм, Шумилов станциясида эса 710 минг сўм сарфланди. Тошкент-товар станциясида 6 тонналик электр-кўтарма кран ишга туширилди. 22 та автоматик юклагичлар жорий этилди, контейнерлар учун 13 та автоматик мослама ўзлаштирилди. Шумилов станциясида эса 3 та электр-кўтарма кран фойдаланишга топширилди, битта автоматик юклагич жорий этилди. Бу ерда ҳам 13 та мослама ўзлаштирилди. Қилинган бу ишларни чуқур таҳлил этмаёқ ҳар қандай киши шуни илғаб олиши мумкинки, беш йилликнинг ўтган йилларида ишлаб чиқариш-техника асосларини бундай янгилаш станцияларда юклаш ва тушириш ишларида техникавий инқилоб содир қилгани даргумон.

Аммо энг аввало шундай хулосага келишдан олдин вагон оборотини ҳажмлари бўйича қилинган ишларни тақослаб кўрайлик. Эҳтимол, меҳнатни юксакроқ даражада ташкил этиш ҳисобига бу иш бирмунча яхшиланган-дир? Мана шу ерда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети мутахассислари томонидан қилинган таҳлил шуни кўрсатадики, афсуски, ҳеч қанақа мўъжиза рўй бермаган. Шаҳримизда вагон оборотини жуда катта. Ўтган йили у 580,6 минг вагонни ташкил этди. Ишлаб чиқариш техника асоси ва меҳнатни ташкил этишнинг аҳволи эса ўша-ўша — тубдан яхшилашни талаб этади.

Вагонларнинг ўртача бўш туриб қолиши ўтган йили нормадаги 4,2 соат ўрнига 6,9 соатни ташкил этди. Вагонларнинг ана шундай бўш туриб қолиши оқибатида 5 мингта вагон «йўқотилди». Нормадан ташқари вагонларнинг бўш туриб қолиши оқибатида корхоналар ва ташкилотлар 1,3 миллион сўм жарима тўладилар. Ҳолбуки, шунча маблағни ўзларининг ранг-баранг мақсадлари учун сарф қилишлари мумкин эди-ку. Фақат бир йил ичида тўланган ана шунча маблағни беш йиллик бошидан буён ишлаб чиқариш-техника асосларини ривожлантиришга сарфланган (300—710 минг сўм) маблағ билан таққослаб кўринг! Наҳотки, халқ хўжалиги юкларини юклаш-тушириш ишларини ривожлантиришга маблағ сарфлашдан кўра жарималар тўлаш ҳақиқатдан ҳам афзалроқ бўлса?

Вагонлардаги юкларни тушириб олиш ва улардан самарали фойдаланиш нормаларини бажариш борасида Ҳамза, Куйбишев, Сергели ва бошқа бир қатор районларнинг саноат корхоналари ва ташкилотларида ўта нохуш аҳвол юзага келган. Масалан, 1989 йилда Ҳамза районининг корхоналарида темир йўл вагонларининг ўртача бўш туриши нормадаги 3,5 соат ўрнига 5,6 соатни ташкил этган. Айниқса Тошкент-товар станциясидаги олиб бориш йўлларида ҳамда Ҳамза станциясида 1-дон маҳсулотлари, 2-дон маҳсулотлари комбинатлари, «Узторгстрой» трестининг темир-бетон буюмлари заводи, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси, шампан винолари заводи, «Главташкентстрой»нинг темир йўл транспорти бирлашган хўжалиги томонидан вагонларнинг нормадан ташқари жуда кўп бўш туриб қолишига йўл қўйилмоқда. Вагонларнинг нормадан ташқари ана шундай бўш туриб қолиш ҳоллари бинокорлик материаллари ва конструкциялари, иккиламчи қора металлар, ошхона ва бошқа мебеллар, экскаватор ремонти, агрегат заводларида, «Тошкент мебель», «Средазкабель», СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаларида, лакбўёқ заводи ва бошқа корхоналарда ҳам ҳукм суряпти.

Бу корхоналар 1990 йилнинг январь-февраль ойларида ҳам вагонлардаги юкларни тушириб олиш борасидаги аҳволни яхшиламадилар. Ҳолбуки, улар беш карра кўп жарима тўлаган эдилар. Ҳа, жарималар миқдори кўпайгандан-кўпайиб боряпти, аммо шаҳар станцияларида қимматли саноат ва озиқ-овқат моллари ҳамда ускуналар, қурилиш материаллари ортилган вагонлар туриб қолмоқда. Бу вагонлар темир йўл транспорти ҳаракат таркибини омборхоналарга айлантириб қўймоқда.

Ўтган йили ва шу йилнинг январь ойида нормадан ташқари бўш туриб қолишлар 1,85 миллион вагон-соатни ташкил этди. Бунинг оқибатида ўнлаб саноат корхоналари ва ташкилотлари маҳсулотларини юклаш учун ўз вақтида вагонларни ололмадилар. Натижада республика ва бутун мамлакатимиз халқ хўжалигига ана шу маҳсулотлар ўз вақтида етказиб берилмади.

1989 йилда контейнерларни ортиш режаси 82,4 фоизга адо этилди, холос. Контейнерларга маҳсулотларни юклаш режаси эса 89,5 фоиз адо этилди. Вагон-контейнерларни ташиш парки ишчиларининг сони камайиб натижасида контейнерларни ташиш ҳам камайган. Шунингдек, ўз юк ташиш жойлари бўлмаган корхоналар контейнерлар билан таъминланмаганлар.

Бу ҳисоботни факт ва рақамларга тўлдириб юборишни хоҳламасдик. Аммо вагонларнинг бўш туриб қолишига энг кўп даражада йўл қўйган корхона жамоаси ишлаб топган маблағни... жарималарга тўлашни афзал кўраётган корхоналар номини айтмасдан иложимиз йўқ. Сергели районида бу — иккиламчи қора металлар заводидир. Бу ерда вагонларнинг бўш туриб қолиши 6,5 соатни, бинокорлик материаллари ва конструкциялари заводида эса 9,9 соатни, «Ирмонтажстрой» трестининг ишлаб чиқариш-техника комплектлаш бошқармасида 12,4 соатни ташкил этди. Бу районнинг корхоналари ўтган йили 220 минг сўмдан зиёд жарима тўлашди. Шу йилнинг январь ойида эса жарима миқдори 33 минг сўмдан ошиб кетди. Куйбишев районида — нисбатан таққосласак — 289 минг ва 63 минг, Фрунзе районида — 71 минг, 39 минг (!), Ҳамза районида 446 минг ва 39 минг сўм, умуман шаҳар бўйича шу йилнинг январь ойида вагонларнинг ўртача бўш туриб қолиши 8,7 соат (ўтган йили 6,9 соат)ни ташкил этди. Вагонларнинг бўш туриб қолгани учун январь ойида 204 минг сўмдан зиёдроқ жарима тўланди. Жарималарнинг бундай ошиб бориши, темирйўлчиларнинг ўзлари тан олишганидек, ҳеч бир наф келтирмаётир.

Мажлисда сўзга чиққан район Советлари ижроия комитетларининг раислари вагонлар бўш туриб қолиш ҳолларига йўл қўяётган корхона ва ташкилотлар (айниқса идорага қарашли) раҳбарларига нисбатан тегишлича чоралар кўрилмаётганлигига эътиборни қаратдилар. Шуни таъкидлаб ўтдиларки, уларни район Советлари ижроия комитетларига ҳисоботлар бериш юзасидан чақириш ва телефондаги эслатишлар кутилган самарани бермаётир. Таъсир кўрсатишнинг янада самаралироқ йўлларини излаб топиш таклиф этилди.

Аммо энг муҳими, деб таъкидлашди кўпчилик сўзга чиққанлар, темирйўлчилар билан юк қабул қилувчилар ва юк юборувчилар ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорлик йўлларини қидириб топмоқ керак. Қайси юклар келиб тушиши ҳақида олдиндан хабар бериш ишини пухта ва аниқ йўлга қўйиш муҳимдир.

Бу талаблар Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қабул қилган — шаҳар станцияларида вагонларнинг бўш туриб қолишини қисқартиришга қаратилган қарорда ўз аксини топди.

Шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисида бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

«НАВРЎЗ»—ФАЙЗЛИ БАЙРАМ

Наврўз нашидасининг ҳар бир онлага, маҳалла ва даҳаларга, шаҳримиз хиёбонлари-ю маданият ва истироҳат боғларига кириб боришн, барча миллатлар ва элатларнинг ҳақиқий баҳор байрамига айланиши учун шу кунларда олиб борилаётган ишлар хусусида кеча, 5 март куни «Наврўз» байрамига тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилий комитетининг Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Қ. М. Рафиқов раислигида ўтган навбатдаги мажлисда атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Байрамнинг қувноқ, файзли ва жозибали ўтиши кўп жиҳатдан маданият ходимларига, бадиий ҳаваскорлик жамоаларига, саҳнамизнинг атоқли намояндаларига ҳам боғлиқ. Ана шу боисдан шаҳримиз маданият муассасалари унга қандай тайёргарлик кўраётгани ҳақида ахборот берган Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маданият Бош бошқармасининг бошлиғи С. Ҳ. Алимхўжаевнинг сўзида, ташкилий комитет мажлисида қатнашган район Советлари ижроия комитетларининг, шаҳардаги театрлар ва бошқа маданий-маърифий муассасалар ходимларининг шу хусусида билдирган фикр-мулоҳазаларида шу йил 21 мартда нишонланадиган «Наврўз»нинг шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари хотирасида узоқ вақт сақланиб қолиши учун яна қандай қўшимча тадбирларни амалга ошириш кераклиги гапирилди. Шаҳарни Наврўзи оламга ҳар тарафлама тайёрлаш, тантаналар ўтадиган майдон ва хиёбонлар, аҳоли яшайдиган даҳалар ва мавзеларни бадиий дид билан жиҳозлаш, уларни шаҳримиз театрларига бириктириб қўйиш ва шу каби кўпдан-кўп тадбирларда фаол иштирок этиш лозимлиги таъкидланди.

ЖАМОАТЧИЛИК ТАРТИБНИ САҚЛАШНИ ЎЗ ҚЎЛИГА ОЛСИН

ЯНГИОБОД (Тошкент области), 5 март. (ЎзТАГ). Бу ерда шаҳар жамоатчилиги ва маҳалла комитетлари вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари Бўка ва Паркентда содир бўлган сўнгги воқеалардан ташвишланаётганликларини изҳор этдилар.

— Биз ҳаммамиз оилаларимиз билан биргаликда тинч ва хотиржам турмуш кечиришимиз учун жамоат тартиби таъминланиши керак, — деди маҳалла комитети раиси К. Боймирзаев. — Бғз оқсоқоллар, уруш ва меҳнат ветеранлари шаҳарда тартиб бўлиши учун ҳамма ишларни қилишимиз лозим. Кекса авлод вакиллари ёшларнинг ножўя қадам босишларига йўл қўймасликлари, дўстлик ва бирлик йўли қайта қуришда биз танлаб олган йўл эканлигини ўз ҳаётлари намунаси ва орттирган обрўлари билан кўрсатиб беришлари керак.

— Мен тожикман, шаҳардаги биринчи бинога ғишт қўйилганидан бери шу ерда яшайман, — деди пенсионер Х. Маюсупов. — Тўққиз фарзандни катта қилдим, улар шу ердаги мактабда ўқишди, олий маълумотли бўлди. Ўзим илгари автомобиль ҳайдовчиси бўлганман. Илгари янгиободликлар ўртасида миллий негизда жанжал чиққанини эслай олмайман, бундай жанжаллар сира бўлмаган. Ҳозир шаҳарда 43 миллат вакиллари яшамоқда. Анчагина умумий ижтимоий муаммоларимиз бор, уларни биргаликда ҳал қилишимиз керак.

Йиғилишда сўзлаган кишилар республикадаги миллатлараро муносабатлар, жумладан сўнгги вақтда Тошкент областида юз берган воқеаларни марказий оммавий ахборот воситалари холисона ёритишлари керак, деб талаб қилдилар.

Шаҳар аҳлига қарата қабул қилинган мурожаатномада осойишталикка риоя этиш, ғоғарона миш-мишларга ишонмасликка даъват этилди. Шаҳар ижроия комитети ҳузурида оқсоқоллар кенгаши тузишга қарор қилинди. Ушбу кенгаш вазиятни барқарорлаштириш, миш-мишларга барҳам бериш, муаммоларни биргаликда ҳал этишга кўмаклашади.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов қатнашди.

Спорт

⊙ ФУТБОЛ. Кеча мамлакат биринчилиги учун олий лига командалари ўртасида тўрт учрашув бўлиб ўтди. Ўтган йилги мамлакат чемпиони — «Спартак» Ереванда «Арарат» футболчилари билан учрашиб, 3:1 ҳисобида ғалабага эришди. Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан тугади. «Помир» — «Динамо» (К) — 1:1, «Динамо» (М) — «Торпедо» — 1:2, «Черноморец» — «Динамо» (Мн) — 3:1.

⊙ Пахтакорчилар сафида ўйнаб, довруғ тараттан таниқли футболчи Бородар Абдураимов «Пахтакор» командасига бошлиқ этиб тайинланди. Эндиликда РСФСРда хизмат кўрсатган тренер Ф. Новиков, республикада хизмат кўрсатган тренер В. Борисов, футбол ўйинини илмий-назарий жиҳатдан асослаш бўйича тренер А. Толибжонов ва спорт мастери Б. Абдураимовлар командага раҳбарлик қилишади.

⊙ ШАХМАТ. Жаҳон чемпиони Гарри Каспаров Испаниянинг Линарес шаҳрида ўтказилган анъанавий шахмат турнирида ғалабани қўлга киритди. У саккиз очко билан биринчи ўринни эгаллади. 21 ёшли Борис Гельфанд ғолибдан ярим очко орқада қолди. Етти очко тўплаган Валерий Салов учинчи ўринни эгаллади.

Жаҳон 24 соат ичида

● БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина ҳукумати мамлакат молиявий-иқтисодий аҳволини барқарорлаштиришга қаратилган янги тадбирлар мажмуасини эълон қилди. Иқтисодиёт министри Антонио Эрман Гонсалес Аргентинанинг тушиб қолган ҳолатини «ҳалокатли ҳолат» деб таърифлади. Пулнинг қадрсизланиши тобора кучайиб кетаётганлиги ва бюджет камомадининг ниҳоятда катталиги мамлакат олдида турган катта муаммолардир. Навбатдаги расмий планда миллий бюджетнинг барча моддалари бўйича тежамкорлик йўли билан давлат харажатларини кескин қисқартириш кўзда тутилади.

● ВАРШАВА. Польша унинг ғарбий чегараларига доир ҳеч қандай музокаралар ўтказмайди; мамлакатнинг бирон чегараси хусусида мунозара қилиниши мумкин эмас, деди Польша республикаси Министрлар Кенгашининг раиси Тадеуш Мазовецкий Ғарбий Германияда чиқадиган «Вельт» газетаси мухбири билан суҳбатда.

Польша ҳукуматининг бошлиғи мамлакатингиз Германия бирлашишидан хавотирланадими, деган саволга жавоб бериб, Польша бундай бирлашишдан хавотирга тушмайди, агар ана шу бирлашиш жараёни, у умид қилаётганидек, Европа тенглигини бузмайдиган ва Европа хавфсизлигининг янги системасини вужудга келтиришга кўмаклашадиган жараён доирасида амалга ошириладиган бўлса чўчимайди, деб таъкидлади.

● ВАШИНГТОН. Бу ерда Америкаинг обрўли сенатори, ташқи ишлар сенат комитетининг раиси Клейборн Пелл (Род-Айленд штати, демократ) Европада урушдан кейинги чегаралар хусусида Ғарбий Германия раҳбариятн тутган йўлни жиддий танқид қилди. Унинг сўзларига қараганда, ГФР федерал канцлери Гельмут Коль Польша билан мавжуд чегараларни «тан олиши» ва ГДР билан ГФР «бирлашган тақдирда» уларни кўриб чиқиш мумкин эмаслигини очиқ айтиши керак. «Бундай кафолот бера олмаслик, — деб таъкидлади Америка сенатори, — Польшада, яъни нацистлар Германияси қўлида олти миллиондан кўпроқ ўз фуқароларини йўқотган мамлакатда жиддий ташвиш уйғотиши мумкин».

● БУДАПЕШТ. Бу ерда «Шарқий Европа ҳамкорлиги — Европа интеграциясн» мавзундаги анжуман ўз ишини тугатди. Унда Болгария, Чехословакия, ГДР, Польша, Руминия ва Венгрия сиёсий ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар. Венгрия озод демократлар иттифоқи ташаббуси билан уюштирилган конференция қатнашчилари регионнинг сиёсий ривожланиш масалаларини, бўлажак Европа асносида интеграция муаммоларини муҳокама қилдилар.

● ЛОНДОН. Ўтган йили жаҳонда рўй берган жуда катта ўзгаришлар тинчлик ҳаракати учун ниҳоятда фойдали бўлди. «Атлантачилар даври мозийга чекинмоқда. Транспорт ва малакасиз ишчилар касаба союзи бош секретарининг ўринбосари Билл Моррис Ядровий қуролсизланиш учун Британия ҳаракати касаба союз бўлимининг бу ерда бўлган йиллик конференциясида шундай баёнот билан чиқди. «Бизнинг давр эндигина бошланаяпти», деб таъкидлади у.

Б. Моррис таъкидлаганидек, тинчлик учун курашаётган Британия ишчиларининг ҳозирги энг муҳим вазифаларидан бири мудофаа саноатида банд бўлган меҳнаткашлар меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар қаторини тўлдирмасликдир учун ушбу соҳани оқилона конверсиялашдан иборатдир. Нотиқларнинг кўпчилиги Б. Моррисниг бу фикрига қўшилдилар.

Жаҳон 24 соат ичида

Истеъмол буюмлари кўпаяди

ЮЗТА ҚУРУҚ ҚОҒОЗБОЗЛИКДАН...

✦ ОЧИҒИ, катта умид билан саноат моллари магазинларига кирсангиз, тарвузингиз қўлингиздан тушиб чиқасиз. Нега шундай бўлиб қолди? Нега савдода яхши, харидорбоп кийим-кечаклар, пойабзаллар, хўжалик ва маданий-маиший моллар етишмаяпти?

ЯҚИН-яқинларгача «Ҳамма яхши нарсалар—болаларга» деган шиор бўлгучи эди. Болалар у ёқда турсин, энди катта ёшдаги кишиларнинг ўзлари учун ҳам зарур моллар тақчил бўлмоқда. Ҳолбуки ҳозир пойтахтимизда фақат ўнлаб енгил саноат корхоналарига эмас, балки оғир ва йирик машинасозлик корхоналари ҳам кенг истеъмол буюмларини кўплаб ишлаб чиқармоқдалар.

Яқинда ана шундай йирик корхоналардан бири В. П. Чкалов номли самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида, яъни шаҳар ичидаги шаҳарчада (уни шундай деб аташади) бўлиб, бу борадаги ишларнинг аҳволи ва қандай муаммолар борлиги билан қизиқдик.

Аввало шаҳримиздаги йиғилишлардан бирида бирлашма бош директори В. Н. Журавлёвнинг бу ҳақда айтган фикри билан танишайлик.

— Бирлашма коллективи кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш бош йўналиш эканлигини яхши тушунади. Биз бундай моллар ишлаб чиқаришни йил сайин 15—20 фоизга кўпайтириб боряпмиз. Келгуси йилда бу кўрсаткични 40—50 фоизга кўтаришни режалаштирмоқдамиз. Аммо ҳозирча иш ҳақининг бир сўми ҳисобига 24 тийинлик кенг истеъмол моллари ишлаб чиқармоқдамиз.

Ҳозир биз кир ювиш машиналари, микротўлқинли маиший печлар ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўряпмиз. Лекин моддий-техника таъминоти мураккаб муаммо бўлиб турибди. Чунки биз хом ашёнинг 95 фоизини бошқа ёқлардан оламиз. Бевосита шаҳримизда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш индустриясини ташкил этишни таклиф қиламан. Республикада химия саноати ривожланган. Шунинг учун лакбўёқ материаллари, пенопласт, полипрофилен ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мумкин.

Бирлашма бош директорининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари М. И. Брусиловский ҳам корхонанинг бу борадаги аҳволи ҳозирча унчалик қониқтирмаслигини тан олди. Шаҳримизда Иттифоққа бўйсунувчи корхоналар кўп. 60 га яқин ана шундай корхоналардан 40 тасида иш ҳақи фондининг ҳар бир сўми ҳисобига ишлаб чиқарилган кенг истеъмол моллари бир сўмни ташкил қилиши, яъни тенг келиши уёқда турсин, 10—20 тийинга аранг етганидан кўпларнинг хабари бўлмаса керак. Фақат ўнта корхонадагина бу кўрсаткич 20 тийиндан 30 тийингача ташкил этган.

— Бизда эса иш ҳақи фондининг ҳар сўми ҳисобига ҳозир 27 тийиндан, тўғрироғи 26,3 тийиндан кенг истеъмол моллари тайёрланяпти, — деб ўзини бироз оқламоқчи бўлди директор ўринбосари.

Демак, буни ўша нуфузли йиғилишда айтиб ўтилган кўрсаткичга таққосласак, яъни 3 тийинга, тўғрироғи икки ярим тийиндан сал кўпроққа ошибди, холос!

— Умуман олганда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларида силжиш бор, — деди Михаил Израилович фахрланиб. — Масалан, ўтган йил планини бу борада 119,7 фоизга адо этдик.

Буни инкор қилмаймиз. Бизни нега иш ҳақи фондининг ҳар сўми ҳисобига кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўрсаткичи пастлиги қизиқтираётганини айтдик. Очиғи, биргина бу корхона эмас, балки шаҳримиздаги кўпгина корхоналарнинг раҳбарларини ҳам бу «нозик савол» жиддий ўйлантириб қўяди.

Тўғри, В. П. Чкалов номидаги самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган кенг истеъмол молларининг турлари йилдан-йилга кўпайиб боряпти. Бу йил айниқса хилма-хил: аҳоли, харидор, бозор эҳтиёжига қараб уларнинг жуда кўп турлари янгиланган. Само лочинлари — самолётлар ишлаб чиқарадиган корхонанинг кўпминг кишилик ишчи-хизматчилари ва ижодкор техник зиёлилари ер ташвишларини ҳам унутмаётганлари яхши. Майда-чуйда рўзғор буюмларидан тортиб болалар аравачасигача тайёрлашмоқдаки, албатта бу хайрли иш.

— Биз буни «майда» иш деб ҳисобламаймиз, бажонидил халққа керагини ишлаб чиқараверамиз, — деганида директор ўринбосари юз фоиз ҳақ.

Фақат шуни қўшимча қилиш мумкинки, ҳозир бирлашмадан аввалгидек «сир» тутилиб келинган самолётлар эмас, транспорт самолётлари парвоз қиляпти. Уни ўзлаштиришнинг ўзи бўлгани йўқ. Очиғи, корхонада асосий маҳсулот турининг қайта қуриш шарофати билан бундай ўзгариши ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини бироз пасайтириб юборди.

Бу кўпминг кишилик коллективнинг олаётган даромадига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади, албатта. Нима қилиш керак?

Даромад олиш ва коллективнинг яхши турмуш кечириши учун харидоргир кенг истеъмол моллари кўплаб тайёрлаш ва шаҳар ичидаги шаҳарчада ишчи-хизматчиларнинг ўзлари учун ва аҳоли учун пулли хизмат кўламини кенгайтиришдан бошқа чора қолмади.

Агар ҳозир метронинг Чкалов номидаги станциясига борилса, бунинг гувоҳи бўлиш мумкин. Янги йил арафасида бу ерда корхона ўз кооперативини очди: сартарошхонадан тортиб пойабзал таъмирлайдиган устахонагача, кийимбош тикиш чевархонасидан тортиб, тунукасозлик дўконларигача аҳоли ва ўз ишчилари хизматида.

Бу ишларнинг ҳаммаси ҳақида

ЮЗТА ҚУРУҚ ҚОҒОЗБОЗЛИКДАН...

гап узоқ ва мароқ билан гапириш мумкин. Аммо кенг истеъмол моллари-нинг таннархи қимматлашиб кетаётгани энг ўткир муаммолардан бири бўлиб қолаётгани ҳозир ҳеч кимга сир эмас.

— Моддий-техника таъминоти чатоқ!

— Арзон хом ашё бўлмаса, нима қилайлик?

— Ўзи майдадек туюлса ҳам кўп меҳнат талаб қилинадиган иш бу.

Бу ерда шундай гапларни кўп эшитишга тўғри келди. Ҳатто бу йил иш ҳақи фондининг ҳар бир сўми эвазига 35 тийинлик кенг истеъмол моллари тайёрлашни режалаштириб қўйишибди. Аммо бу ҳақиқатми?

Мен бунинг қанчалик ҳавойимийўқлигини аниқлаш мақсадида бирлашма молиячилари қалбига «қўл солиб» кўрдим. Бирлашма директорининг моддий ва молиявий масалалар бўйича ўринбосари Игорь Георгиевич Волков «бир олам» дардини тўкиб солди. Буташёни ажратиш ҳақида шаҳар таъминот Бош бошқармасига телеграмма берди. Шу орада у билан бирлашма ўртасида тегишли ҳужжатлар ҳам имзоланди. Кейин ҳужжатлар Москвага юборилди. У ердан яна хом ашёни турларигача ажратиб кўрсатиш ҳақида жавоб келади. Бу гал энди бир неча протоколлар тузилади. СССР Моддий-техника таъминоти давлат комитетига уларни яна бошқатдан кўриб чиқиш тавсия этилган...

— Бутун гап шундаки, — деди И. Г. Волков, — барибир масалани СССР Моддий-техника таъминоти давлат комитети ҳал этади. Бу ерда Тошкент шаҳар таъминот Бош бошқармасининг роли қаерда қолди? Ахир, у ўзича Москва ажратган ресурсларни тақсимлай олмайди-ку?! Иккинчидан, фондни ўзича кўпайтириб ҳам беролмайди. Бултур октябрь ойидан то бу йил февраль ойигача шу масала бўйича тўрт марта йиғилиш ўтказилди. Аммо бирон наф чиқмади. Худди унинг бутун иши «Давлат комитетидан илтимос қиламиз», «Ёрдам кўрсатишингизни сўраймиз»дан нарига ўтмаётгандек туюлади. Давлат комитетидан эса барча масалаларни шаҳар бошқармаси ҳал этади, деган кўрсатма келади. Хуллас, икки ўт орасида қолдик.

Хом ашё ва материаллар таъминоти масаласида икки ташкилот ўртасидаги сансалорлик оқибати шу бўлдики, бирлашмада ҳозирги кунда болалар аравачалари, чанг ютгич ва бошқа зарур истеъмол буюмларини ўраш учун махсус картон эҳтиёждаги 1500 минг квадрат метр ўрнига 250 минг квадрат метр ажратилди, холос. Натижада бирлашма коллективи ҳозир бир ярим миллион сўмлик маҳсулотни омборда сақлашга мажбур бўлмоқда. Уни савдо ташкилотларига жўнатиш имконияти йўқ. Бунинг устига харидорлар бу йил зарур хом ашё ва материаллар етишмаслиги оқибатида 15 мингта «Ойгул» кир ювиш машинасини ололмайдилар. Лакбўёқлар ҳам кам ажратилган. 24 тонна ўрнига 16 тонна бўёқ, 127 тонна ўрнига унинг ярмича мойли эмаль ажратилган, холос. Бу эса минглаб комплект туристикдала ҳовли мебеллари, болалар ўйинчоқлари («самосвал», «самолёт» ва ҳоказолар) ишлаб чиқариш имконияти йўқ, демакдир.

Ва ниҳоят таннарх қимматлашиб кетаётгани ҳақида бир факт. Андижондаги «Электродвигатель» заводи «Ойгул» кир ювиш машинаси учун электр двигатель нархини аввалги 13 сўм 10 тийин ўрнига ўзбошимчалик билан 25 сўм қилиб белгилабди! Бу мутлақо тушунарсиздир. Чунки кир ювиш машинаси нархи 85 сўм қилиб белгиланган. Унинг баҳосини 100 сўмга чиқариб юбориш аҳолида кескин норозилик уйғотиши табиий. Нима қилиш керак? Бирлашма коллективи 15 мингта «Ойгул»ни ишлаб чиқаришни ҳам, ишлаб чиқармаслиқни ҳам билмай, боши қотиб турибди.

Биз иқтисодиётни қайта қуриш ҳақида кўп гапирамиз. Аммо шу мисоллардан ҳам яққол кўриниб турибдики, юзта қуруқ қоғозбозликдан битта амалий қадам қўйиш — қайта қуришнинг моҳияти эканлигини ҳали ҳамма жойда тўла тушуниб етишмаган кўринади. Бусиз ишда омад кутиш мумкин эмас.

Ҳ. ИКРОМОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.



⊙ ОДДИЙ ИШ КУНЛАРИ. Асбобсозлик заводининг ишчиси Назира Муҳиддинова.

Шарҳчи сатрлари

Кооператив институтга тайёрлайди

Тошкентдаги «Сигнал» кооперативи Сирдарё областидаги Бахт шаҳрида абитуриентларни олий ўқув юртига киришга тайёрлаш марказини очди. Кооператорлар 14-мактабдаги бир хонани ижарага олиб, уни барча зарур анжомлар билан жиҳозладилар, республика пойтахтидаги етакчи олий ўқув юртларидан тажрибали педагогларни таклиф қилдилар. Машғулотлар графиги ҳам қулай — улар якшанба кунлари ўтказилади.

(ЎзТАГ).

МАРРАГА ЯҚИН ҚОЛДИ

— 25 МАРТДА ВЕНГРИЯДА ДАВЛАТ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ БЎЛАДИ

Эрталаб Венгрия Социалистик партияси Сольнок шаҳар бюросининг ходимлари унинг биносига киргач, кечаси хонада кимлардир бўлганини дарҳол сездилар. Партиявий ҳужжатлар, сайловолди кампаниясини ўтказиш ҳаракат дастури, партия кассасидаги пул ўғирланган эди. Жиноятчилар тез орада қўлга туширилди. Булар йирик сиёсий ташкилотлардан бири — Озод «демократлар» иттифоқининг ёш фаоллари экан. Таваккалчи «демократлар» кимга ёрдам бермоқчи бўлганлари номаълум, лекин ташкилот раҳбарияти бу воқеани қоралади ва айбдорларни ташкилот сафидан чиқарди. Бир неча кун ўтгач, Венгрия матбуоти яна бир шов-шув бўлган воқеани хабар қилди: бир гуруҳ ҳаддидан ошган газандалар телевизион сиёсий мунозарада қатнашиш учун Ленинварош шаҳрига келган ВСИПнинг собиқ секретари К. Гросни қўпол ҳақорат қилганлар. Мунозара ташкилотчиларининг аралашуви туфайли вазият мураккаблашиб кетишининг олди олиб қолинди, бироқ рўй берган воқеа хусусида ВСИП прокуратурага мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Венгрия матбуоти «Нопок сайловолди рақобатчилиги» деб атаган бундай ҳодисалар кам-дан-кам рўй берган бўлса-да, шунинг ўзи ҳам йирик партиялар ва сиёсий ташкилотлар сайловолди курашининг кескинлигидан далолат беради. Мамлакат давлат мажлисига сайлов 25 мартда бўлади. Олий қонун чиқарувчи органга ўз номзодларини кўрсатаётган партиялар деярли ҳар куни кўп кишилик митинглар ўтказиб, ўз ҳаракат дастурларини баён қилмоқдалар, мураккаб вазиятдан қутулишнинг улар таклиф этаётган йўлларини тушунтирмоқдалар. Будапешт ва бошқа катта шаҳарларнинг кўчаларида «плакатлар уруши» бормоқда, радио ва телевидение программалари турли сиёсий уюшмалар намояндаларининг сайловолди нутқларига, мунозараларига тўлиб кетган.

Давлат мажлисига сайловда илк бор кўп партиялар қатнашди. Жами элликтача партия рўйхатга олинган. Улар ўзлари учун парламентга йўл очишга интилиб, сайловчиларнинг овозлари учун курашга киришдилар. Янги сайлов қонуни анча мураккаб сайлов қонун-қоидаларини кўзда тутади. Депутатларнинг бир қисми территориал округлардан, бошқа бир қисми — сиёсий партияларнинг маҳаллий рўйхатлар бўйича, яна бир қисми — умумдавлат партиявий рўйхатлар бўйича сайланади. Ҳар бир сайловчи иккита бюллетень олади. Уларнинг бирида у конкрет номзоднинг номини, иккинчисида эса ўзи қайси ташкилотнинг ҳаракат дастурини қўллаб-қувватлашини ёзиб қўйиши керак бўлади. Мана бундай чеклаш ҳам бор: округда камида тўрт фоиз овоз олган партияларгина мандатларни тақсимлашда қатнашади. Мутахассисларнинг фикрича, ана шу чеклаш туфайли парламентда кўпи билан еттита партия ва жамоат ташкилотининг вакиллари бўлади.

Бироқ, шуни эътироф этиш керакки, сайловчиларни ҳозирги кунда сайлов қонун-қоидаларининг мураккаблиги эмас, балки мамлакатни мушкул сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳволдан қутултира оладиган ҳаракат дастурлари кўпроқ қизиқтирмоқда.

Мамлакатда энг нуфузли Венгрия Социалистик партияси демократик социализм қуриш, Венгрия иқтисодиётини жаҳон жараёнларига қўшиш учун курашишни ўз ҳаракат дастурида баён қилди. Ҳарбий блокларни зудлик билан тарқатиб юбориш ҳақидаги фикр унинг ташқи сиёсати марказидадир.

Асосан зиёлиларнинг намояндаларини бирлашган Венгрия Демократик Форуми (ВДФ) тараққиётнинг венгерча йўлини таклиф этиб, ижтимоий ривожланишнинг шарқий моделини ҳам, ғарбий моделларга тақлид қилишни ҳам рад этади. ВДФ маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг мулки ва хусусий мулк бундан буён аста-секин давлат мулкини сиқиб чиқаради, деб ҳисоблайди.

Венгрия Социалистик ишчи партияси (ВСИП)нинг тарафдорлари анчагина, у ўз баёнотларида ўтмиш хатоларини қоралади.

Сиёсий майдонда ўта радикал уюшмалар намояндалари ҳам пайдо бўлди. Масалан, Озод Демократлар Иттифоқи ва Ёш Демократлар Иттифоқи сиёсий ва иқтисодий системани алмаштиришни ёқлаб чиқмоқдалар.

Шу кунларда Венгриянинг турли районларида ижтимоий фикр сўровлари ўтказилмоқда. Ижтимоий фикрни ўрганиш институтининг маълумотларига кўра, сўров қатнашчиларининг 20 фоиздан кўпроғи сайловда ўз овозини ВДФга, 18 фоизи — Ёш Демократлар Иттифоқига, 11 фоизи ВСПга, 4 фоизи — ВСИПга бериш ниятида эканлиги маълум бўлди.

Сайловолди мунозаралари давомида ҳозирги ўтиш даврининг барқарорлиги тўғрисидаги масала, айниқса кескин қўйилмоқда. Гап шундаки, мамлакатдаги ички сиёсий вазият ниҳоят даражада кескинлашиб кетган. Энг зарур моллар нархи кескин ошганлиги, ишсизлик кўпайганлиги сабабли норозилик митинглари ниҳоятда тез-тез рўй берадиган ҳодиса бўлиб қолди.

Яқинда Будапештда йирик партиянинг йўлбошчилари иштирокида ўтган музокараларда айни шу масалалар диққат-марказда бўлди. Улар сайловолди кампанияси даврида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини оширмай туриш тўғрисида келишиб олдилар. Венгрия ҳукуматининг бошлиғи рухсат этилмаган намойишлар ўтказилиши ва уларда баъзан ирқий, диний ва сиёсий сабабларга кўра зўравонлик қилишга чақириқлар янграётганлиги хусусида гапириб, бундан буён полиция бу намойишларни қонуний воситалар ёрдамида тарқатиб юборади, деди.

Венгриядаги сайловолди беллашуви маррага яқинлашиб қолди. Матбуот партияларни, парламент сайловини, мамлакат тақдири, унинг келажаги учун масъулият руҳида ўтказиш учун барча шарт-шароитларни яратиш мақсадида ҳалол рақобатчилик қоидаларига риоя этишга чақиради.

Александр КУЗЬМИН
(ТАСС).

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

⊙ ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши умумтаълим мактабларида ана шу фанни ўқитиш савиясини янада ошириб, ўқувчи ёшларда ёзма ва оғзаки нутқни ривожлантиришга эътиборни кучайтиришни тақозо этади. Хўш, ҳозирги кунда мактабларимизда она тили ва адабиётни ўқитишнинг аҳволи қандай? Бу борада қандай муаммолар ва яқин вақт ичида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар турибди?

Ушбу долзарб масалалар Ушинский номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институтида яқинда бўлиб ўтган очиқ мулоқотда батафсил гапирилди. «Тилшунослик ва адабиёт ўқитиш» сектори ташаббуси билан амалга оширилган бу долзарб тадбирда жумҳуриятимиз вилоятлари, малака ошириш институтлари ўзбек тили ва адабиёт кабинетидан, умумтаълим мактабларидан вакиллар фаол қатнашиб, ушбу предметни ўқитишнинг ҳозирги аҳволи хусусида фикр ва мулоҳазалар билдирдилар.

Жумҳуриятимиздаги етакчи методист олимлар, тилшунослар ҳам очиқ мулоқотга таклиф этилган эди. Олимлардан А. Зуннунов, К. Назиров ва бошқаларнинг чиқишлари йиғилганларда қизиқиш уйғотди. Улар ўзбек тили ва адабиётини давр талаблари даражасида ўқитилишини таъминлаш йўлида кўрилаётган муҳим илмий-методик тадбирлар тўғрисида ҳам сўзладилар.

Ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институтида бу борада олиб борилаётган илмий-методик изланишлар, ўқитувчилар учун тайёрланаётган ишланмалар ҳақида шу илмий муассаса ректори Ж. Йўлдошев ахборот берди.

А. АЛИЕВ.

Шаҳримиз обод ва кўкаламзор бўлсин!

ОЗОДАГАРЧИЛИККА НИМА ЕТСИН

⊙ Маълумки, шу кунларда шаҳримизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказилмоқда. Шу боисдан бир савол туғилиши табиий: хўш, шаҳримизнинг озодалиги қониқарлими? Шаҳарнинг марказ қисмини кўзда тутиб: «Ҳа», дейишингиз мумкин. Чиндан ҳам Ленин проспекти, Навоий кўчаси, Космонавтлар проспекти, Халқлар дўстлиги майдони, Инқилоб хиёбони ва бошқа бир қанча диққатга сазовор жойларимизда яхши манзаранинг гувоҳи бўламиз. Лекин марказдан узоқлашган сайин, афсуски кўп жойларда бунинг аксига дуч келасиз.

Шундай экан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигида шаҳар санитария эпидемология станцияси қандай ишларни амалга оширади? Мухбиримиз шундай савол билан ана шу станция бош врачи ўринбосари Баҳодир Тожихоновга мурожаат қилди:

— Бугунги кунда кишилар дунёда фақат бир-бири билангина эмас, балки атроф-муҳитга эътибор бериш билан яшашни ҳам ўрганмоқдалар. Лекин шаҳримиз атроф-муҳити қониқарсиз аҳволда. Шунинг учун ҳаммамиз биргаликда жон куйдиришимиз зарур эканлигини таъкидлашимиз керак.

Ҳадемай, кунлар исийди. Кўча ва майдонларда уюлиб ётган чиқиндилар кўзга яққол ташланиб, пашша ва ҳар хил ҳашаротларнинг уясига айланади. Биз биринчи навбатда ана шу ахлат уюмларини йўқотиш чорасини кўришимиз лозим. Бу борада район ободонлаштириш бошқармалари ва «Автодормехбаза» раҳбарлари жонбозлик кўрсатишлари керак. Лекин бу идораларнинг айрим раҳбарлари ўз ишларига ўта лоқайдлик билан қарашмоқда. Зиммаларидаги бажаришлари керак бўлган вазифани адо этишда сусткашликка йўл қўйишмоқда. Ўтган йили 67 кишига шаҳарнинг санитария ҳолатини бузиб, чиқиндиларни шаҳар чеккасига ўз вақтида олиб чиқиб ташламаганлиги учун жарима солинди. Улар ичида шаҳримиздаги «Автодормехбаза»нинг ҳамма раҳбарлари бор.

— **Шаҳримизда чиқиндилар ташийдиган машиналар етарлими?**

— Етарли эмас. Ҳисоб-китобларга кўра 1262 та транспорт керак. Аммо ҳозир шаҳарда 754 та чиқинди ташийдиган машина бўла туриб, ҳар куни аҳоли хизматига 550 та транспорт чиқарилмоқда. Бугунги кунда 200 га яқин ҳайдовчи етишмаслиги оқибатида жуда кўплаб машиналар бекорга турибди. Ҳар бир ҳайдовчи бир кунда икки маротаба уч тоннадан йиғилган чиқиндиларни шаҳардан 30 километр узоқдаги чиқиндилар тўпланадиган майдончага олиб бориб ташлаши керак. Текширишлар шуни кўрсатдики, ҳамма ҳайдовчилар ҳам чиқиндиларни белгилаб қўйилган майдонга олиб чиқиб ташлашмаётир. Натижада шаҳар атрофида, баъзан ичкарисида ҳам ҳайдовчилар томонидан сурбетларча ташлаб кетилган ахлат уюмларига дуч келасиз. Натижада ҳар куни шаҳримизда элликдан тўқсонтагача йирик ахлат уюмлари пайдо бўлмоқда. Бу кунлик чиқиндиларнинг 13 фоизини ташкил этади.

— **Шаҳримизда қанчадан қанча фаррош бор. Лекин уларнинг қилаётган ишлари кўринмаётир. Айниқса, даҳалардаги кварталларда аҳвол ачинарли? Нега шундай?**

— 1988 йилнинг январь ойида шаҳар санитария хизмати билан маслаҳатлашмасдан туриб эксперимент сифатида уйжой кварталлари ичкарисини тозалайдиган фаррошларни уй-жойлардан фойдаланиш участкалари ихтиёридан олиб, район ободонлаштириш бошқармаларига ўтказишди. Шунда шаҳарда 5 мингдан ортиқ фаррош бор эди. Бу бемаслаҳат иш ўзини оқламаганидан кейин ўтган йилнинг август ойида яна олдинги ҳолига қайтарилди. Бугунги кунда ободонлаштириш бошқармаси қарамоғида 2500 фаррош бор. Улар кўча, хиёбон, бекатларни чиқиндилардан тозалашлари керак. Баҳоланки, бу штатда 1900 фаррош хизмат қилмоқда. 600 фаррош ўрни беҳуда турибди. Шуни худди бошқа шаҳарлардаги каби студентлар ҳисобига тўлдириб, улар хизматидан оқилона фойдаланса бўлади-ку!

Кунлар исиши билан шаҳримизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишига киришар эканмиз, биринчи галда озодагарчиликка эътиборни қаратиб ободончилик ишларини кучайтиришимиз керак. Ахир озодагарчиликка нима етсин!

Суҳбатдош
Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.



⊙ ЎЗ УМРИДА БИР ТУП КУЧАТ ЭККАН ИНСОН БАХТЛИДИР.

Т. Каримов суратлари.

КЎЧАЛАР КЎРКИ

⊙ Октябрь районида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошланиб кетди. Бугунги кунда мавжуд 2420 гектар майдоннинг 821 гектари кўкаламзорлаштирилган. Шу яшил хиёбонда 614672 туп дарахт ва 472388 туп яшил тўсиқлар ўсмоқда.

Бу йил кўпроқ мевали дарахтлар экиш ва уларнинг навларига эътибор бериш мўлжалланмоқда. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигида 32,2 минг туп дарахт ва яшил тўсиқлар ўтказилади. Шундан 1,4 минг тупи мевали, 900 тупи манзарали, 10 минг тупи яшил тўсиқ ва 20 минг тупи атиргул кўчатларидир.

БУГУН Абдулла Қодирий номли, Калинин даҳаси, Хуршид, Есенин ва Абай кўчаларидаги яшил хиёбонларни кенгайтириш ишлари бошлаб юборилди.

Д. ЗОКИРОВА.

Тарих саҳифаларидан

ТАҲЛИКАЛИ ДАВРНИНГ ДОВЮРАК ҚИЗИ

ХАЛҚДА шундай бир нақл бор, Чустда туғилган қизлар гўзал бўларкан. Собира Холдорова фақат чиройлигина эмас, балки ақлли, меҳнатсевар ва қизиқувчан қиз ҳам эди. У мустақил равишда ўқишни ўрганиб олди, китоблар мутолаа қилиш унинг севимли машғулоти бўлиб қолди. Аммо буларнинг барчаси атрофдаги кўзлардан яширин равишда содир бўлди. Отадан эрта етим қолган қизнинг тақдири енгил бўлмади. Бир сафар хўжайин Собирани ўқиётган пайтида тутиб олди. У қизни шафқатсиз урди. Уни саройга беркитиб қўйди. Бироқ Собиранинг феъли ўша пайтдаёқ ўз кучини кўрсатган эди. У қочишга муваффақ бўлди ва ўша кундан эътиборан унинг янги ҳаёти бошланди. Бу 1919 йилда бўлган эди. Ўшанда у бор-йўғи 12 ёшда эди...

Эски дунё қулаган, инқилоб шамоли Ўрта Осиёга етиб келган пайтлар. Собира Қўқондаги хотин-қизлар интернатида ўқувчи бўлди. Ҳаракатчан, қизиқувчан қиз дугоналари ўртасида жаралиб турарди. 1921 йилда у Туркистон Коммунистик Ёшлар уюшмасига кирди.

1923 йил август ойида ўз дугоналари Ҳалима Носирова, Ҳосият Комилова ва яна уч нафар қиз билан Тошкентдаги хотин-қизлар педагогика институтига ўқишга йўл олди. Кўп ўтмай Собира Холдорова институтнинг комсомол етакчиси бўлди. Бундан ташқари унга институт деворий газетасини чиқариш топширилди.

1924 йил январь ойида бутун жаҳонга Ленининг вафот этганлиги тўғрисидаги хабар тарқалди. Партияга ленинча чақириққа кўра Собира партия аъзолигига номзод бўлиб кирди.

1925 йил июль ойида С. Холдорова Тошкентдаги «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясининг партия бўлими мудири ўринбосари этиб тайинланди. Кейинчалик хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимининг мудири бўлди.

С. Холдорованинг эсдаликларидан: «Ҳар куни мен газета учун 200 йўл материал тайёрлаб берар эдим. Уларнинг мавзулари хилма-хил бўларди: хотин-қизлар озодлиги учун кураш, уларни меҳнатга жалб этиш, саводсизликни тугатиш, ер ислоҳоти, мактабларни ташкил этиш ва ҳоказо. Саводсизликни тугатиш курсларини эндигина тамомлаган хотин-қизлар бизнинг мухбирларимиз бўлишарди. Уларнинг қўлёзмаларини ўқиш жуда қийин бўларди. Аммо бу хатларда янги ҳаёт нафаси барқ урарди. У пайтларда УзТАГга ўхшаган муассасалар йўқ эди. Одамлар тўғри редакцияга келиб сўнгги хабарларни билиб кетишарди».

Бир гал уни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига чақиришди. У билан Марказий Комитетнинг биринчи секретари Акмал Икромов ишлари, нималар билан шуғулланаётгани, режалари тўғрисида узоқ суҳбатлашди.

— Ўқимоқчиман, мени ўқишга юборсангиз, — деб илтимос қилди у.

— Балли, қизим, — деди Акмал Икромов. — Москвага, журналистика институтига борасан.

Мана, ниҳоят 1926 йилнинг кузида у Москва журналистика давлат педагогика институти (ГИЖ) студенти бўлди. Уни 1929 йилнинг май ойида тамомлади.

Собира Холдорова шундай қилиб, Москвада олий журналистик таълим олган биринчи ўзбек қизидир. Худди шу ерда 1927 йилда у Сокольниский район партия комитетида партия билети олди. Институтда рус тилини муваффақиятли ўрганди. Айни пайтда она тилини ҳам унутмади. Москвадан қайтгач, дастлаб «Ишчи» газетасининг муҳаррир ўринбосари кейинчалик муҳаррири бўлди. Бу газета Ўзбекистон касаба уюшмалари республика кенгашининг органи эди. Самарқандда босиларди.

Собира одамлардан ўзининг бўш жиҳатлари ва нуқсонларини ҳам яширмасди. Уларни тан олишдан қўрқмасди, хатоларини тузатарди. Унинг ишдан-ишга тез кўтарилишининг сабаби ҳам ана шунда эди. Одамлар уни яхши кўришарди. У фақат журналист сифатида эмас, балки обрўли партия ходими сифатида ҳам ўсиб борди. 1930 йилнинг март ойида Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг қарорига кўра у Марказий Комитетнинг оммавий-ташвиқот бўлими мудирининг ўринбосари ва хотин-қизлар секторининг мудири этиб тасдиқланади. Бу машҳур «Ҳужум» даврида бўлган эди. Унинг муваффақиятига Холдорова жуда катта ҳисса қўшган.

Ўзбекистон Компартиясининг V қурултойида С. Холдорова Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси этиб сайланади. У ВКП (б) XVI съезди делегати бўлади. Бу съезд Совет Иттифоқи сиёсий иқтисодий ва халқаро ҳаётининг муҳим масалаларини муҳокама этди.

Ўша пайтда Собира Надежда Константиновна Крупская билан учрашиш ва у билан суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлди. Мафтункор, хушчақчақ, серғайрат қиз 1931 йилда Мўмин Усмоновга турмушга чиқди. Улар бир-бирига муносиб, бахтли келин-куёвлар бўлишди, бир-бирларига жуда ғамхўр эдилар. Ўз фарзандларини ҳам ғамхўрлик билан тарбиялашди. Кўпдан-кўп жамоат ишлари билан банд бўлишига қарамасдан Собира жуда ҳам оқила бека эди. Уз фарзандлари тарбиясига кўп эътибор берарди. Аммо шунисига ачинарликки, бу оила барбод бўлди... Собиранинг ишлари ошгандан-ошиб борарди. Масъулият ҳам кучайиб борар эди. 1932 йилнинг ноябрь ойида Акмал Икромов таклифи билан у Марказий Комитет биринчи секретарининг ёрдамчиси вазифасига ўтади. Кўп ўтмай Тошкент шаҳридаги Ленин район партия комитетига секретарь этиб сайланади. Унинг коммунист сифатида тутган фаол ҳаётий йўли, ишчанлиги ва қобилияти обрў-эътибор келтирди, партия ва совет фаоллари ўртасида уни машҳур қилди.

1936 йилда Тошкентда янги Киров райони ташкил этилди. Собира Холдорова район партия комитетининг биринчи секретари этиб сайланди. Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг секретари Цехер имзо чеккан характеристикада шундай дейилади:

«Ўртоқ Холдорова қобилиятли, ўсиб бораётган партия ходимидир. Бу унга Тошкентда янги ташкил этилган Киров район партия комитетининг биринчи секретарлигига ишга юборишга асос бўла олади».

Ўшанда у эндигина 29 ёшга тўлган эди. У район партия комитетининг биринчи секретарлиги масъулиятини ўз бўйнига олди. Ўзининг амалий ишларида коммунистларга ва бошланғич партия ташкилотларига таянди. Бунинг натижасида раён партия ташкилотининг ташкилий масалалари қисқа вақт ичида ҳал этилди. Район партия ташкилоти фақат сон жиҳатдангина эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам ўсди. Ҳолбуки, бу қийин давр эди. 1937 йилда республика партия ташкилоти сафларида 29.934 коммунист бор эди. Яъни уч йил ичида партия аъзолари сони салкам ярмига қисқарган эди. Коммунист хотин-қизлар эса бу даврда 8.340 нафардан 4.749 нафарга тушиб қолди. Буларнинг ҳаммаси эса партияни тозалаш ҳисобига бўлди. У 1934 — 1935 йилларда ўтказилди. Даҳшатли давр бошланди. Киров ўлдирилди. Томский ўзини-ўзи ўлдирди. 1937 йилнинг 23 февралида партия Марказий Комитетининг энг фожиали пленумларидан бири очилди. «Троцкийчи-бухаринчи аксилинқилобий блок» тўғрисидаги улкан иш бошландики, натижада минглаб айбсиз одамлар отилди.

Қатағон акс-садоси Ўзбекистонга ҳам етиб келди. А. Икромов, Ф. Хўжаев, М. Қаххоров, Болтабоев, Ортиқов, Шодиева ва бошқа кўплаб кишилар ғойиб бўлдилар. Собиранинг уйига ҳам қора булутлар кўланка ташлади. 1937 йилнинг сентябрь ойи бошида унинг эри М. Усмонов халқ душмани сифатида ҳибсга олинди. Ўша вақтда турмуш ўртоғи Ўзбекистон КП (б) Марказий Комитетининг тарғибот бўлими мудири эди. 3 сентябрь куни Тошкент шаҳар партия комитети Ўзбекистон КП(б) Киров район комитети бюросининг С. Холдоровани бўшатиш тўғрисидаги қарорини тасдиқлади. 5 сентябрь куни Марказий Комитет бюроси ўша Цехер имзо чеккан қуйидаги қарорни қабул қилди: «Холдорова Ўзбекистон КП(б) Киров (шаҳар) район комитетининг биринчи секретари вазифасидан олинсин».

1937 йилнинг 7 октябрь куни Тошкент шаҳар Киров район партия комитети бошланғич партия ташкилотининг ёпиқ партия йиғилиши бўлиб ўтди. Бунинг натижаси олдиндан маълум эди. Чунки йиғилиш қатнашчиларидан биронтаси ҳам ўзлари билан эртага нима ҳол кечишини билишмасди. Гап етказиш, туҳмат, ўч олиш энг оддий нарсалар бўлиб қолган эди. Натижада ўзини ҳимоя қилиш мақсадида кўп кишилар давлат миқёсида амалга оширилаётган қатағон снёсати билан ҳамфикр бўлишга мажбур эдилар ёки ўзларини шундай қилиб кўрсатардилар. Куни кеча Холдорови партиявий номус, виждон намунаси деб ҳисобланган айрим кишилар эндиликда унга лаънат тамғасини босардилар. Уни Усмоновнинг аксилинқилобий хатти-ҳаракатлари ҳақида партия ташкилотига ҳеч нарса хабар қилмаганликда айбладилар. Йиғилиш протоколида унинг сиёсий ҳушёрлик кўрсатмагани, бу эса халқ душманининг иш олиб боришига имкон бергани ва шундай қилиб ўзи ҳам у билан боғлиқлиги ҳақида ёзилган эди.

Шу йиғилишда Дусников, Камолов, Замостян, Саидов, Замағаловлар сўзга чиқишди. Бу фамилияларни биз ҳам билишимиз зарур. Негаки, уларнинг «принципиалликлари» орқасида инсонлар тақдири турарди.

Холдоровага унинг айбдор эмаслиги, агар хато қилган бўлса уни тузатишга интилишини тушунтиришга уриндилар.

Аммо ҳаммаси аксинча бўлиб чиқди. Холдоровани партия сафидан чиқардилар. Бироқ бу фожианинг бошланиши экан...

1937 йилнинг 9 октябрида тонг саҳарлаб Тошкент шаҳридаги Финкельштейн кўчасидаги 19-уйнинг эшигини вақимали тақиллатишди. Собира эри қамоқдан қайтиб келган деб ўйлади. Аммо у янглишган эди.

— Сиз Холдорова Собирамисиз?

— Ҳа, мен.

— Сиз ҳибсга олиндингиз. Биз билан юринг.

Архив ҳужжатларидан: «Холдорованинг иши юзасидан тергов холис бўлмади. Айблашга мойиллик ва қонунни қўпол равишда бузишларга йўл қўйилди. Холдорова 1937 йилнинг 9 октябрида ҳибсга олинган эди. Орадан 17 ой ўтгандан кейингина унга айб қўйилди».

Холдорованинг Н. С. Хрушчев номига йўллаган мактубидан: «Мен қамоқда жуда узоқ муддат бўлдим. Биринчи ва ягона сўроқ 1939 йил мартида бўлган эди. Сўроқда мен ўзимнинг айбдор эканлигимни иннор қилдим ва айбномада нима ўқиган бўлсам ўшангагина қўл қўйдим. Сўроқдан сўнг, бир неча кундан кейин эса мен асабим бузилиб касал бўлиб қолдим. Ва бир ойча ана шу аҳволда қамоқда ётдим. У ердан мени руҳий касалликлар шифохонасига олиб кетишди...».

СССР НКВД махсус кенгашининг қарори билан С. Холдорова Ёқутистонга беш йил муддатга сургун қилинди. Ўз болаларини Тошкентда қолдириб ва эрининг тақдири нима бўлгани ҳақида ҳеч нима билмай узоқ Ёқутистонга йўл олди. У ерда китоб магазинида ишлади, поликлиникада рўйхатга олувчи бўлди ва ҳоказо.

Серқуёш ўлка қизининг узоқ Ёқутистонда қандай ҳаёт кечирганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бироқ шунга қарамай у ўзининг партиядаги бўлган ишончини йўқотмади. 1942 йил охирида Холдорова Тошкентга қайтиб келди ва тезликда ўз ишини қайта кўриб чиқишга эришди. Бу йилларда у бетоб бўлиб қолди. Қаерда дуч келса, шу ерда ишлади. Уни бир неча марта Тошкентдан чиқариб юборишди. Бироқ у руҳан тушкунликка тушмади. Кўп кўз ёш тўкишига қарамай, жаҳл қилмади. У муттасил равишда Мўминжон ҳақида ўйларди ва унинг қайтиб келишига умид қиларди. Аммо унинг эри аллақачон отиб ташланган эди.

КПСС XX съездидан кейин (Бу съезд шахсга сиғинишни қоралади) сталинча қатағоннинг қурбонларини оқлаш ишлари бошланиб кетди. Республиканинг энг яхши кишилари турли идораларга Собира Холдорованинг «ишини» қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат қилишди.

Туркистон ҳарбий округининг адлия полковниги Гусаков бошчилигидаги ҳарбий трибунали 1956 йилнинг 22 июнида қуйидаги қарорни чиқарди:

«СССР НКВДси ҳузуридаги махсус кенгашнинг 1940 йил 5 декабрдаги Собира Холдорова тўғрисидаги қарор бекор қилинсин ва унинг тўғрисидаги иш жиноят составн йўқлиги учун тўхтатилсин».

Холдоровани партияга тикладилар. Унга партия билетини қайтариб бердилар. Кейинги йилларда пенсияга чиққандан сўнг у жамоат ишларида фаол қатнашди. Чилонзор район Совети депутати бўлди.

Бугунги кунда муносиб халқ фарзандларини сталинча қатағон йилларн даврида ёпиштирилган лаънат тамғасидан тўла-тўкис тозалаш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Қ. ФОЗИЛХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг директори, тарих фанлари доктори, профессор.

Оқшом суҳбатлари



⊙ Ҳурматли редакция! Баҳорда «илик узилади», дейишади. Бундай пайтда дармонга кириш учун қандай тадбирлар фойдали бўлади!

Зуфар ТОИРОВ,
«Ташсельмаш» заводи ишчиси.

ДИЕРИМИЗНИНГ улуғвор кўксига баҳор элчиси бўлмиш бойчечак, чучмома, бинафшалар ўзларининг нилий, ложувард, нуқраранги билан безак бера бошлади, булбул, тўрғайлар жаранги билан ошиёнимиз янада фусункор бўляпти. Фасллар келинчаги — баҳорнинг ўзгача гашти, таровати бор. Қутлуғ одими билан гўзаллик оламини мунаввар этадиган баҳор барчани ҳаёт ишқига, ибратли меҳнат, зироат юмушига чорлайди:

БАҲОРДА НЕГА «ИЛИК УЗИЛАДИ?»

Гўё яшаргандек кўринар дунё,
Гулдан либос кийди гўзал табиат.
Баҳор гул осмоқда, қара бутоқдан,
Яна такрорланар мўъжиза, санъат.

Шоиримиз Уйғун суюкли, интиқ билан кутиладиган баҳорни «Яшаргандай кўринар дунё» деганича бор.

Баҳор нафаси, диловарлигига ошуфта кўнгиллар нафақат қуёшнинг илиқ нури билан қаноатда бўлмай, балки унинг шифобахш омилларидан ҳам баҳраманд бўлиш истаги билан яшайди. Сир эмас, узоқ қишдан инсон аъзоитани анчагина толиқиб чиқади. Чунки, киши аъзоларини дармонбахш озиқа моддалар билан таъминлайдиган табиат неъматлари истеъмолимиз бисотида узилиш ҳосил қилади.

Маълумки, инсон аъзо-тани ўз вақтида, маълум меъёрда биологик актив моддалар бўлмиш турфа дармондорилар, зарра маъданлар, нордон-турмуш омиллар(органик кислоталар) билан таъминланмас экан, бундай зотнинг табиати бир қатор юқумли ва асоратли касалликларга мойил бўлиб қолади, кўҳна хасталиклар «бош кўтаради». Мутлоқ кони фойда бўладиган бу табиий воситаларни сарсаховат баҳорнинг ўзи ҳадя этишини биласизми?

Бизнинг халқимиз ибратли меҳнат, ойдин илм бобидагина эмас, балки чуқур туйғу ва ҳиссиёти, асрлар оша салмоқли тажрибаси билан шифобахш гиёҳлар сийрати ва асносидан ҳам бохабар бўлган. Жумладан, доно халқимиз айни навбаҳор дамлари, яъни киши аъзолари ҳаётбахш омилларга чанқоқ бўлган «Илик узилди» паллада кўкламнинг серҳосият кўкатларидан дармонбахш тайёрлашади. Бундай амалларнинг таҳсинга сазоворлигини замонавий тиббиёт ҳам инобатга олган.

Хўш, қайси гиёҳлар саломатлик ёмбиси, деган савол туғилиши туган гап. Билмасангиз, буларни доно-ю, донишманд бобо-момолардан сўранг.

Баҳорий кўкатлар бўлмиш йўнғичқа, исмалоқ, жағжағ, момақаймоқ, ялпиз, отқулоқ, лимонўт, баргизуб, газандаўтларнинг мурғак, сўлқилдоқ қисмларидан, шунингдек, карафс, шивитларнинг ҳиссали улушлари асосида кўк чучвара, сомса ва кўнгилочар суюқ таомлар тайёрлаб истеъмол этилиши кони фойда эканлигини эслатиб ўтамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, баҳорий кўкатлардан дармондорили таомлар тайёрланар экан, мазкур хосиятли гиёҳ намуналари айнан ўзи бўлиши шарт, бегона ўсимликларнинг шоиста бўлиши баъзида кўнгилсиз асоратларни келтириб чиқариши мумкин. Жумладан, кўкатли таом масаллиғида қашқарбеда салмоғи бўлса, у ҳолда бош айланиши, гангиш, бемаврид қусиш ёки уйқусизлик каби ҳолатлар рўй бериши мумкин. Шунингдек, кўкатли масаллиқ таркибига қўйпечак, эрбаҳоси каби ёт гиёҳ кўкатлари тушиб қолишига йўл қўймаслик зарур.

Ошхона гиргиттонларига шуни эслатиб ўтиш керакки, кўкатли масаллиқларни қиймаланган ҳолида ҳийла вақт сақлаб бўлмайди. Чунки ҳар бир баҳорий кўкат намунасининг ўзига хос таркибий қисмлари мавжуд бўлиб, улар маълум шароитда айниб шифобахш хусусиятидан маҳрум бўлади.

Дармонбахш суюқ таомлар тайёрлаш жараёнида ҳаддан ташқари кўп қайнатиш ҳам ярамайди. Сабаби, гиёҳлар таркибида мавжуд бўлувчи ҳаётбахш омиллар парчаланиб кетишига шароит яратган бўламиз.

Ҳа, фасллар келинчаги — баҳор сепини ёзган палла «илик узилди»сида ана диёримизнинг шифобахш марҳаматларидан ўринли фойдаланинг, азизлар!

Доно ХЎЖАЕВА,
доришунос.

Совет мамлакатида



⊙ Финляндиянинг «Муҳаббат дунёси» раҳм-шафқат ташкилотининг вакиллари зилзиладан зарар кўрган Арманистон аҳолисига ёрдам кўрсатишди.

СУРАТДА: «Муҳаббат дунёси» ташкилотининг вакили Мария Рантанен 6-шифохонадаги кичик беморлар билан.

⊙ БЕЛОРУССИЯ ССР. Брест мавзесидаги Бостинь қишлоғида ғаройиб ҳодиса юз берди. 42 йиллик айриликдан сўнг кимсасиз ўрмондан номи унутилиб кетган И. В. Бушило ҳамқишлоқларини излаб келди.

СУРАТДА: И. В. Бушилонинг сўнгги қароргоҳи.

ТАСС суратлари.



Яна мумиё ҳақида

«ТАНАНИ САҚЛАЙМАН»

...Қадим-қадимдан мумиёнинг шифобахш эканлиги ҳақида кўп фикрлар билдириб келинади. Бироқ, нима учун шу пайтгача унинг дорихоналарга чиқарилмаётгани, табобатда кенг қўлланилмаётгани кишини таажжубга солмасдан қўймайди. Бунинг сабабини аниқлаш мақсадида мухбиримиз республикамиздаги етакчи мумиёшунос олимлардан бири З. Ҳакимов билан суҳбатлашди.

— Зайниддин ака, мумиёйи асилнинг шифобахшлигини фан тан олганми?

— Мумиё қадим замонлардан турли хасталикларни даволаш учун қўлланиб келинаётгани кўпчиликка маълум. Мумиё — юнонча сўз бўлиб, танани сақлайман, деган маънони билдиради. Унинг шифобахшлиги тўғрисида Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино асарларида ҳам маълумотлар бор. Жумҳуриятимизда мумиё билан биринчи бўлиб профессор О. Шокиров шуғулланди ва муваффақиятларга эришди. Мен ҳам дастлабки сабоқларни у кишидан олганман. Ҳозир шу соҳада иш олиб бораётганимга чорак асрдан ошди. Кўп йиллик изланишларимдан шунга амин бўлдимки, Ўзбекистон тоғлари мумиёси киши қаттиқ жароҳатланганда, майиб бўлганда, мушаклар лат еганда шифо бахш этади.

— Мумиёнинг инсон соғлигига зарари йўқми?

— Профессор О. Шокировнинг таъкидлашича, аниқ текшириб, таркиби тўла ўрганилмаган, мутахассис кузатувидан ўтказилмаган мумиёни дори сифатида қабул қилиш қатъиян ман этилади. Даволанаётган ҳар бир бемор буни асло унутмаслиги зарур. Кейинги йилларда олиб борилган текширишлар шуни кўрсатдики, мумиё олинган жойда нурланиш кучли бўлса, моддада бу хусусият сақланади. Бундан ташқари, қидирилаётган каваклар ва ғорларда заҳарли моддалар учраши табиий ҳолдир. Фараз қилайлик, ўн райондан ўн хил мумиё олинди. Шулардан камида иккитасининг таркибида заҳарли моддалар бўлиши мумкин экан.

— Мумиёнинг турлари, кимёвий таркибидаги маъданлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Шу пайтга қадар бир хил деб келинган мумиё бир неча кўринишларда учрашини аниқладик. Табиатда унга ўхшаш моддалар ҳам учрайди. Ҳозирча бу модданинг таркибида 30 дан ортиқ маъданлар борлиги аниқланди. Бироқ қайси тури қандай касалликка даво бўлиши ҳали ўрганилган эмас. Бу масала ҳал этилса, баъзи хасталикларни даволашда ўзгаришлар бўлиши турган гап. Бизнинг экспедициямиз баланд тоғли районларда мумиёнинг 500 дан ортиқ намоён бўлиш конжойларининг картасини ишлаб чиқди.

— Шаҳримизда мумиё пуллаётган кооперативлар пайдо бўлган.

— Нима демоқчи эканлигингизга тушундим. Гапнинг сираси, мутахассис текширувидан ўтмаган мумиё ҳали истеъмол қилишга яроқсиз. Афсуски, шунча шов-шувларга сабаб бўлган бу модда ҳалигача шифокорлар эътиборини тортолмаяпти. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги қошида доривор моддаларни аниқлаш маркази ташкил этилса фойдадан ҳоли бўлмасди.

Айни пайтда шаҳарда мумиё сотаётган кооператив ходимларини ҳар қадамда учратиш мумкин. Мутахассис кўригидан ўтмай ва махсус рухсат олмасдан уни пуллаш тақиқланган-ку. Баъзи кооперативлар мумиёни тайёрлашда таркибига новвот ва бошқа ширинликлар қўшаётганларини эшитиб қоламиз. Бу билан шифобахш модданинг истиқболига зарар етказилади, холос.

— Биз муқаддас деб ҳисоблаган мумиё бугунга келиб муҳофаза қилишга муҳтож бўлиб қолмадимикан?

—Жуда ўринли савол. Ўзбекистон тоғларида ҳали аниқланмаган манбалари жуда кўп. Бироқ, уларнинг бари ҳимоя қилишга муҳтож бўлиб турибди. Чунки айрим товламачилар мумиё бор ғорларни, ёриқларни бузиб, вайрон қилишяпти, шафқатсизларча портлатиб юборишмоқда. Шу ўринда ўрмон хўжалиги ходимлари масъулиятини янада ошириш керак, деб ўйлайман. Тогда каклик отиш мумкин эмас, чунки эгаси бор. Бироқ тоғни портлатиб бўлса ҳам хоҳлаганча мумиё кўтариб кетсанг ҳам ўрмон ходимининг иши бўлмаяпти. Чунки унга жавобгар эмас. Мумиё — халқ мулки. Шу боис давлат томонидан муҳофазага олиниши зарур.

Суҳбатдош
Давлатмурод
САЪДУЛЛАЕВ.

ШАТРАНЖ АЖОЙИБОТЛАРИ

⊙ БИРИНЧИ жаҳон чемпиони Стейниц Лондонда бўлган кезлари тирикчилик мақсадида шахмат кафеларида дов бериб, дона суришиб турарди. Шуларнинг бирида у катта пул эвазига ўйнайдиган донимий рақиб топиб олди. Стейниц олдиндан отини бериб, ҳар гал ютиб чиқарди. Бир куни жаҳон чемпионининг яқин дўстларидан бири, агар бир-икки бор ютқазиб бермаса, шундай ажойиб рақибдан маҳрум бўлишини айтиб огоҳлантирди. Бу маслаҳат Стейницга маъқул тушди. Бир сафари ўйинда атайин фарзинни қурбон қилиб, таслим бўлди. Шу пайт эриб кетган рақиби даст ўрнидан туриб:

— Мен жаҳон чемпионини ютдим! — дея кўча томон отилиб чиқиб кетди-да, шу-шу кафеда қорасини кўрсатмай қўйди.

⊙ СТЕЙНИЦ шахмат тожига асосий талабгорлардан бири немис гроссмейстери Цукерторт билан бўлган учрашувда аҳволи танг бўлиб қолади. Бир неча юришдан кейин мот бўлишини сезиб турса ҳам, анчагача таслим бўлмади. Кутилмаганда рақиби шоҳ турган қанотдан ҳужум қилмай фарзин қанотидаги пиёдани олдинга суриб қўйди.

— Бу нима қилганингиз, — деб сўради ҳайрон бўлган Стейниц.

— Энди кўрасиз, яна икки фарзин чиқариб олай, кейин боплаб адабингизни бериб қўяман, — совуққонлик билан жавоб берди Цукерторт.

Стейниц шу онда таслим бўлди.

Тоҳир МУҲИТДИНОВ
тайёрлаган.

«ИСТЕЪДОДИМ, ҚАЛБИМ СИЗЛАРГА!»

«Истеъдодим, қалбим сизларга! Мен тонгни куйлайман!» Ўзбекистон халқ шоираси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зулфия ўз таржимаи ҳолини ана шу шеърий мисралар билан ниҳоясига етказади. Мана шу баҳорнинг дастлабки кунларида республикамиз жамоатчилиги, шеърият ихлосмандлари шоира туғилган кунининг 75 йиллигини нишонламоқдалар. Шу кунларда Зулфия опанинг хонадони ҳар қачонгидан ҳам гавжум, қаёққа қараманг баҳор гуллари. Севимли шоирамиз ўзининг табаррук ёшини ижодхонасида нишонлашга аҳд қилди, тантаналардан воз кечди. Лекин халқимиз ардоғида бўлган Зулфия опани ўқитувчилар, талабалар, қаламкаш дўстлари, ёш адиблар, шоира ижодининг мухлислари шонли сана билан табриклаганн пайдар-пай келиб турибдилар. Бошқа республикалардан, СССР Ёзувчилар уюшмасидан, Ленин мукофотлари комитетидан, ҳорижлан кўпдан-кўп табрикномалар келиб турибди. Зотан, Ҳиндистон, Миср, Вьетнам, бошқа кўп мамлакатларнинг китобхонлари Зулфия ижоди билан яхши таништирлар. Шоира СССР Давлат мукофоти, Жавоҳарлал Неру номидаги халқаро мукофот билан тақдирланган. Тинчлик ва дўстликни куйловчи шеърий асарлари учун, Африка — Осиё тараққийпарвар адиблари ҳаракатида фаол иштироки учун унга «Нилуфар» халқаро адабий мукофоти ҳам берилган.


Зулфиянинг дастлабки китоби — «Ҳаёт саҳифалари» тўпламн қарийб 60 йил муқаддам китобхонлар қўлига теккан эди. Ўшандан бери элликдан ортиқ шеърий жилдлар нашр этилди. Зулфия ўзбек китобхонларини классик адабиётнинг энг яхши намуналари ҳамда қардош республикалар шеърияти билан ошно қилиш учун кўп куч-ғайрат сарфлади. У Н. Некрасов, Л. Украинка, С. Нерис, В. Инбер, С. Капутикян ва бошқа кўплаб шоирларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Зулфияни қачонлардир, эллигинчи йилларнинг ўрталарида шеърларида мунг бўлганлиги, «Ахматова нафаси келиб турганлиги» учун танқид қилишганида, у бунга жавобан: «Менга бундан ортиқ мукофот йўқ», деб айтган эди. Зулфия бугун ҳам ўз севимли шоирасининг шеърларини ўзбек тилига ўгириш учун кўп вақт сарфламоқда. Китобхонлар яқин орада Марина Цветаева асарларини ўзбек тилида ўқийдилар. М. Цветаева ижоди, Зулфиянинг сўзларига қараганда, руҳан унга ниҳоятда яқиндир. Шоира ўзининг янги асарларида бош қаҳрамони — меҳнаткаш аёл, она, севимли ёр, садоқатли дугоналари ҳаётига яна ва яна мурожаат қилмоқда. Шоира бундай аёлларнинг турмуш тарзини, гўзалларини баҳорнинг турфа рангларига қиёс этади. Ҳаётнинг қайта туғилишидан, табиатнинг янгиланишидан дарак берувчи йилнинг бу фасли шоирага зўр куч, эҳтирос, илҳом бағишлайди.

Зулфия ўттиз йилдан ортиқроқ вақт давомида республика хотин-қизларининг «Саодат» журналига бошчилик қилди. Ҳозир шоира қизгин ижод билан машғул.

— Шеър қоғоз билан юзма-юз бўлганидагина ёзилади, лекин улар қайноқ ҳаёт орасида юзага келади, — дейди Зулфия. — Инсон, унинг ишлари, орзу-ўйлари шеъриятнинг қалбидир. Мен одамлар орасида эканлигимдан, илҳом менга доимий ҳамроҳ бўлганидан бахтиёрман.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.



⊙ САЛОМ, ДУГОНАЖОНЛАР!

Л. Панкратова сурати.

ОСМОНДАН ТУШГАН ЭРКАК ФАРИШТА

Ҳажвия

ЭГРИНИ эгри, тўғрини тўғри дейиш эсдан чиққан эканми, ошкоралик кунлари келди-ю, соқовга тил битиб, карнинг қулоғи очилиб кетди. Бу-ку, яхши, нур устига нур-а, гоҳо кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеаларнинг шоҳиди бўларкансан, ҳайратдан ёқа ушлайсан киши. Жангоҳ кўрмагандан қаҳрамон, алифни калтак билмайдиган ўғри, муттаҳамдан мулла чиқиб ўтирса-я... Ё тавба!..

Илгарилар Муқим совуқнинг қаерда ишлашини, ишга қачон бориб, қачон қайтишини ҳеч ким билмасди. Биров билан бировнинг нима иши бор, ҳар кимнинг ҳавоси ўзига. Билганлар учратиб қолганларида: эшак от бўлибдими-ки, у ўзгарсин, нима қилганда ҳам кўли эгри, нияти хуфтон ўша Муқим ўғри-да, деб дилларидан ўтказиб қўйсалар, билмаганлар унинг тундлиги, сўхтаси совуқлигидан сувилондан қочгандай ўзларини четга олардилар. Ким балонинг бошини силабди? Инсоф билан айтганда, Муқим деганимиз одам бўлиб одамгарчилик қилмаган. Учраганнинг оғзидан ошини олган бўлса олганки, нафи тегмаган. Совуқ лақаби ҳам шундан-да!

Ҳай-ҳай, ҳавасга ҳам, ҳайратга ҳам пано берсин-у, шу киши бир думалаб Муқимжон тўра махсимга айланиб қолсалар бўладими! Бўларкан. Тўй-ҳашамга, хайру худойга юришда, буни қаранг-ки, давра танлайдиган бўлиб қолдилар. Бу ҳам етмагандай, бошқалар хоҳласинлар, хоҳламасинлар бўйнига қўнғироқ осилган серкадай олдинга ўтиб оладилар. Вой у кишининг фатворлари — елкалари панис, бурунлари остидаги кўршапалакдай мўйловлари йилтиллаган — савлат тўкиб юришлари! Кўрсангиз нақ осмондан тушган эркак фариштa дейсиз, тахта бўлиб қоласиз.

Биласиз, мотамдан ортиқроқ дилни муз қиладиган маросим йўқ. Йўғон чўзилиб, ингичка узилади. Шундай пайтда амал қилинадиган расм-русумлар ҳаммага маълум. Буни қарангки, авлод-аждодларимиз таомилни маромига етказмаган, ҳато қилишган экан. Хўш, айтингчи, жанозага чеккага райҳон, жамбул қистириб, амиркон кавушни ғарч-ғурч босиб бориш мумкинми? Ана холос, энсангиз қотиб, юзингизни четга бурдингиз-а! Начора. Аслида мумкин экан. Муқимжон тўра махсум ҳазратлари шундай қиладилар. Қаранг, мумкин экан-ку?! Шўрларига шўрва тўкилмаган бўлса, аждодларимиз шундайин қусурларга йўл қўйишармиди?

Дарвоқе, ўликками, тирикками у киши керак бўлиб қолсалар, отлиқми-ёёв оворасо сарсон қидириб юришмасин. Йўловчилар экан-ку, ҳатто ҳалпиллаб қолган бўлсалар ҳам кўз жияклaридан сурма аримайдиган зайфалари кўндан бери бир пиёла новвот чой ичиролмай армондалар. Шанба, дам олиш кунлари ҳам баribир уйларидан тополмайсиз. Маҳалла, эл-овул катта, бир кунда уч-тўрт жойда худойи бўлиб туради. У киши ис чиққан жойдан қолмайдилар. Худойи оши — худонинг ошмиш. Савоб бўлармиш. Нафсдан ҳам бор-да!

Тўрамларнинг паллаларига анча-мунча тош ташладингиз, у зотдан бизга нима наф, дерсиз. Ўлманг. Лекин, ўғил уйлантириш, қиз чиқариш деган гаплар бор. Шундай пайтда осма кўприк бўладиган, қиз томонининг ҳам, йигит томонининг ҳам деганини демай, оёқ тираб туриб оладиган туриштоғ ҳам керак-ку! Кейин, аёл зоти туғиб туради. Чақалоқнинг қулоғига азон лозим. Хўш, яна турмушда нималар бўлмайди- ит ўртоқ қидиради, ғийбатчи тўқмоқ...

Айтгандай, Муқимжон тўра махсум зоти олийларининг нафаслари зарур бўлиб қолса, ишхоналаридан топишингиз мумкин. Шаҳарнинг ман-ман деган туғруқхонаси дарвозасини чорак асрдирки, тўрамлар эгаллаб олганлар. Қулоқларига чалинмасин-ку, ўзимиз ҳам иш жойларини нома жумада масжид радиоси карнайидан хайрия қутисига юз сўм пул ташлаганликларини эълон қилдирганликларидан кейин билдик.

Каттакон, қават-қават биноларнинг рўбарўсига мўъжазгина уйча, яъни қоровулхона жойлашган. Унда стол, стул, телефон, бир одамга етиб ортгулик рўзғор буюмлари, ўғчини сўрасангиз, тўрамларнинг момоларидан мерос қолган кандук бор. Бу ерда кандук нима қилиб турибди, деб сўрамоқчи бўлаётибсиз. Соддасиз. Ким кўп, ўғил кўриб суюнганларидан қоғоз халталарда кўтариб келган нарсаларини унутиб қолдирадиганлар кўп. Йиғиштиримли одамга кандук керак-да!

Фарзанд — умрнинг безаги... Данаги ширин, данагидан мағзи ширин деганлар. Шу, тунов кунимикан, Райим муаллимнинг учинчими-тўртинчими келини довруғи чиққан туғруқхонада кўзи ёришини орзулаган эканми, қўчқордай ўғил кўрибди-ю, домла демаган суюнчисига келиб қолди. Қараса, кимсан амакиси турибди. Аввалига, бирон масжидда сўфи бўлсалар керак, деб юрган одам ҳайрон қолди; кейинидан, набирани кўришим осон кўчди, деган хаёлда қувониб кетди.

— Амаки! — деди эшикка яқинлашиб.

Амаки эътибор ҳам қилмади. У афтидан жиндай маст, сочи саватдай келадиган йигит билан келишолмай турарди. Оёқ тираб туриб олган:

— Мумкинмас!

— Нега?.. Ичкарига қўядиган пайт ку!..

— Инсансиз!

— Хурсандлигимдан отахон! Мана, манавини олинг-да, сиз ҳам ичинг!

— Шунақа денг? Ҳа, майли...

Тўрамларнинг столлари антиқа, гўё тилсим қилингандай. Устида иккита тугмачаси бор. Биттаси катта — темир дарвозанинг, иккинчиси — кичик эшикнинг калити. Кулган бўлдилар, тугмалардан бирини босдилар. Кичик эшик «вар» этиб очилди. Йигит сават сочини силкитиб, ичкарига кириб кетди.

— Ё тавба!.. — деди Райим муаллим ёқасинни ушлаб. ...Уруш йиллари эди.

Сутдай ойдин. Қиш оёқлаб қолган, аёзда қатирмочга айланган қор ҳурмачадан тўкилган қатиқдай кўзга чалинади. Кичик укаси бешикда, қолган иккитаси жунжикиб онасининг бағрига қапишиб кетган. Танча четида ётган Райим қулт-қулт ютиниб қўяди. Қорин оч бўлса уйқу қочаркан. Еттисаккиз яшар бола — хонадоннинг каттаси, эгаси, урушга кетаётган отаси шундай деган. Қорин ҳам бор бўлсин, уйқусининг қочиши эҳтимол, отаси айтмоқчи, ёш боши билан хонадонга бош бўлиб қолганидир.

Қисир-қисир муз синди. Райим чўчиб тушди. Ҳадиксираб дераза ойнасидан ҳовлига қаради. Кимдир шипдай бўлиб ҳовли четидаги бостирма томон бормоқда. Қўлида човгум, қўлтиғига нимадир қистирган. Шундай кўрининг турибди. Узи ҳам таниш-дай. Ярим кеча... Қўлида човгум... Нима қилмоқчи ўзи?!

У бостирма тагига етди. Қўлтиғидаги тугунни четидан ушлаб, аста селпиди. У ербу ерига ямоқ тушган каноп қоп. Қопнинг оғзини очиб, қўноққа қаради. Қўноқда урушнинг касри тегиб хўрозидан ажралиб қолган тўрттагина товуқ тумушибгина ухламоқда. Вой, у одамнинг усталиги: човгумдан оғзига сув тўлдириб товуқ кўзига пуркар, бўйнини бураб-бураб, ғиқ этказмай қопга соларди.

— О-оп-а!... — деди Райим нафаси ичига тушиб.

— Кўриб турибман, — деди онаси.

— У а-а...

— Ҳа... Майли, овозингни чиқарма, Уялмасин...

...Райим муаллим энтикиб, кўзларини ишқади. Амаки шу топда қирққа бормай набира кўрган, кувонганидан босар-тусарини билмай қолган аёлнинг чақалоғи қулоғига азон айтмоқдайди. У азонини айтиб бўлди.

— Болагинамнинг исмини ҳам қўйиб берсангиз, — деди аёл пул қистириб.

— У, бўтам, ҳозиргина яратганнинг сўзини айтдим. Исми ё Асад, ё Раҳмат!.. — дедилар Муқимжон тўрам ва бир кафтлари очиқ, бир кафтлари юмуқ, юзларига фотиҳа тортдилар.

Райим муаллимнинг ҳуши бошидан учди. Кўзига ойдин кеча, бўйни бураліб, харом ўлиб қопга тушаётган товуқлар кўриниб кетди. Бу — ўша, бир уй жон жиш бўлиб ётганларида оғизларидан ошларини олган, ер тишлаб кетган жигарининг юзини демаган амакиси эди. Атрофга аланг-жаланг қаради, биров: «Сиз шу кишининг жиянимисиз?» деб сўрагандай уялиб кетди. Набирасини кўришни ҳам унутиб жўнаб қолди.

Кишининг табиати қизиқ. Гоҳо қозон-товоққа қараганда ўчоқда тутаб ётган чалага тушади. Шаккоклик бўлмасин-ку, Муқимжон тўра махсум ҳазратлари ҳақларида андак гап қилдик. Нафасларига зорманда мухлислари йўқ эмас. Излаб қолишса, туғруқхонага бориб юришмасин. Бош шифокорни нима жин урибдики, тўрамларни икки ямлаб бир ютиб, тупуриб ташлабди. Жаноблариннг қишин-ёзин чеккаларида райҳон, оёқларида «ғарч» ковуш, ўзларини тўй-маъракалардан, худойилардан топишлари мумкин. Мабодо, у ерда кўринмасалар, хаёлдан соқит қилинмасин, албатта мозоротнинг кулбаи вайронасида тугун оши ичиб ўтиришган бўладилар.

Турсун ИБРОҲИМОВ.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси

А. А. ХЎЖАЕВ НОМЛИ 12-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти Тошкент қурилишларида ишлаш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича малакали ишчилар тайёрлайди: бўёқчи-суворчи-кошинкор, бадиий безак бўйича суворчи, ғишт терувчи — пўлат ва темир бетонли қурилмалар йиғувчи (монтажчи), **дурадгор — паркетчи-ойнасоз, электр газ пайвандчи-ҳайдовчи, кошинкор-плиточи-мозаикачи, слесарь-сантехник** (ўқиш муддати 6 ой, 1 йил, 2 йил), **бетончи-қолипчи** (ўқиш муддати 5 ой).

Ўқиш давомида талабалар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқишни тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва ҳунар ўрганганлиги ҳақида диплом ҳамда мутахассислик (разряди) даражаси берилади.

Ишлаб чиқариш тажрибаси (практикаси) даврида меҳнат ҳақининг 50 фоизи тўланади.

5—6 ойлик группаларда ўқиш учун 10 синф ҳажмида маълумотлилар ҳамда Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтганлар қабул қилинади. Уларга ҳар ойда 66 сўм стипендия тўланади.

Билим юртида ўқиш узлуксиз иш стажига киради. Талабалар учун ҳаваскорлик тўгараклари ва фан тўгараклари, 13 хил спорт секциялари ишлаб турибди.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишни имтиёзли диплом билан тугаллаганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига конкурссиз қабул қилинадилар.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ариза, таржимаи ҳол, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, мактабдан характеристика, яшаш жойидан справка, 236-формадаги медицина справкаси, 6 дона 3х4 см. катталикдаги фотосурат.

Бизнинг адрес: 700131, Тошкент шаҳри, А. Икромов райони, 26-квартал, 1-уй (3, 187-автобусларнинг 12-квартал, 4, 9, 17-трамвайларнинг «30-поликлиника» бекатлари»).

Телефонлар: 76-27-56, 76-36-58.

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси

26-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
8-10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЁШЛАРНИ
ЎЗБЕК ВА РУС ГРУППАЛАРИГА
қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЗАРГАРЛИК — 1,5 — 3 йил;

ЧИННИГА ГУЛ СОЛИШ — 1 — 3 йил;

ЧИННИ САРАЛОВЧИ — 1 — 3 йил;

ЧИННИ ШАКЛИНИ ТАЙЁРЛОВЧИ — 1 — 3 йил;

САНОАТ МАШИНАЛАРИНИ ТУЗАТАДИГАН СЛЕСАРЛАР — 1 — 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ ТОШКЕНТ ВА КАЛИНИН РАЙОНИДА ЯШОВЧИ, ЕШИ 15 ВА УНДАН ЮҚОРИ БЎЛГАН 9—11 СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 8-синф маълумотига эга бўлган ёшлар учун 3 йил.

Ўқишга қабул қилинганлар бош-оёқ кийим ва уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИДА ЎҚИШ МУДДАТИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртида заргарлик ҳунарини ўрганган ўқувчилар Тошкент заргарлик заводига, чинниқорлик ҳунарини ўрганган ўқувчилар Тошкент чинни заводига ишга жойлаштирилади.

Билим юртига имтиҳонсиз қабул қилинади.

УҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, маълумоти ҳақида гувоҳнома, медицина справкаси, расм (3х4 см. 6 дона), таржимаи ҳоли, ота-онасининг иш жойидан справка.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, 17-тупик. Телефонлар: 40-30-36, 40-30-38 (100, 59, 76, 166-автобусларнинг «Қўштут» бекати).

«Строймеханизация» трестининг
54-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ
Ишдан ажралган ҳолда минора кранларининг машинистларини тайёрлаш

КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Стипендия — ойига 102 сўм.

Ўқишга Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган ўрта маълумотли, Тошкент шаҳрида яшовчи йигитлар, 20 ёшдан бошлаб — қизлар қабул қилинади.

Дарслар рус тилида олиб борилади.

Ўқиш муддати — 4,5 ой.

Машғулотлар — группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

Мурожаат қилиш учун адрес: Тошкент области, Оржоникидзе райони, Ялангоч посёлкаси (метронинг «М. Горький» станцияси, 151-маршрутли таксининг «Мичурин номли пионер лагери» бекати).

ЭЛЕКТРОНИКА—МЎЪЖИЗА ЭМАС, ЗАМОНАМИЗНИНГ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ...

Ҳозирги ҳаётимизни электрон асбобларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳамма соҳада, ишлаб чиқариш корхоналарида ва кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган жиҳозларда электрон асбоблари бизга ҳамроҳдир.

57-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

радиоэлектроника корхоналари ва радиоэлектрон асбобларни тузатувчи устахоналар учун

қуйидаги касблар бўйича

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

кичик жадвалларни йиғувчи, фотолитография оператори, диффузион мосламалар оператори, радиоэлектрон жиҳозларни созловчи, радиоэлектрон жиҳозларни йиғувчи, ярим ўтказгич дастгоҳларни созловчи, радиотелевизион жиҳозларни тузатувчилар.

Ўқиш муддати: 9-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 11-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 1 йил, Совет Армияси сафида 2 йиллик хизмат бурчини ўтаб келганлар учун — 6 ой.

Билим юртининг кечки бўлимида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда газ-электр-пайвандчи касби бўйича 6 ойлик курс ташкил қилинган.

Маконимиз: Тошкент шаҳар, Киров райони Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 9-уй (телефон 21-10-79). 67э, 9, 167-автобусларнинг «8-АТП»; 8, 82, 83-автобусларнинг «5-кўп ихтисосли болалар касалхонаси» бекатлари.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/III да **Концерт.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/III да **А. Қодирийнинг ўтган кунлари** (19.00), 7/III да **Келинлар қўзғолони** (19.00), 8/III да **Тақдир эшиги** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/III да **Гул ва Наврўз** (19.00, 8/III да **Табассум оқшоми** (19.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/III да **Паранжи сирлари** (12.00, билетлар сотилган), **Фармонбиби аразлади** (19.00, билетлар сотилган), 7/III да **Майсаранинг иши** (16.00, 19.00 билетлар сотилган), 8/III да **Отасининг қизи** (12, 16, 19.00, билетлар сотилган).

КИНО

6 МАРТДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ОҚ СУЯК» (19), «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (17, 21).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «КИНОГА АКТЕР ТАНЛАШ» (17, 21.00), «ФАНТОМАС» СКОТЛАНД ЯРДГА ҚАРШИ» (19.00).

К. Ёрматов номли — «ОЙНАВАНД ЙЎЛАК» (тоқ соатларда).

Восток — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (18.30, 20.45).

7 МАРТДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ОҚ СУЯК» (11, 15, 19), «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (13, 17, 21).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «КИНОГА АКТЕР ТАНЛАШ» (17, 21.00), «ФАНТОМАС СКОТЛАНД ЯРДГА ҚАРШИ» (11, 15, 19.00).

К. Ёрматов номли — «ОЙНАВАНД ЙЎЛАК» (тоқ соатларда).

Восток — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг

ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ ИНСПЕКЦИЯСИ

Тошкент автомобиль-йўл институтининг кундузги бўлимига ўқишга кириш учун Тошкент шаҳрида яшовчи, Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган, 25 ёшгача бўлган кишилар орасидан

НОМЗОДЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишни муваффақиятли тамомлаган кишилар ГАИ йўли билан хизмат вазифасини ўташ учун ички ишлар органларига ишга юборилади-лар.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси, 44-уй, 36-хона.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

«Узтрансуслуги» ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги хўжалик ҳисобида ишловчи «СЕРВИС» АГЕНТЛИГИ

«Электроника ВМ-12» маркасидаги видеомагнитофонларни уйга элтиб бериш шарти билан прокатга беришдан иборат

янги хизмат турини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, Марказ-13, 35-уй. Телефон 41-89-01.

Тошкент Совет савдоси техникуми томонидан **Ҳакимов Абдушукур Мўминович** номига берилган 178546 номерли йўқолган

ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Узагрострой»нинг «Ташоблагрострой» бирлашмасига қарашли хўжалик ҳисобидаги механизация ва автотранспорт давлат кооператив бошқармаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар 23 мартгача қуйидаги маконда қабул қилинади: 700015, Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 16 «а» уй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА



(Хадра майдони, 1-уй)

6 МАРТДАН 12 МАРТГАЧА

Москвада ўтган XXII Жаҳон ёшлари ва студентлари фестивалининг лауреати, машҳур америкалик сеҳргар Гари ГУДИНИ бажарган ўта мураккаб машқларнинг Совет Иттифоқидаги ягона ижрочиси

АЛЕКСАНДР ПАСЕЧНИЙНИНГ
Туркия, Греция, АҚШ гастролларидан сўнг

«ҚИШАНЛАРДАН БУШАЛИШ» ТОМОШАЛАРИ

Александр Пасечний инсон руҳи ва танасининг нималарга қодир эканлигини намойиш қилади: тери орқали кўриш, биомайдон қудрати, ишонтириш кучи, Сизнинг онгингиз ва руҳиятингиз сирларига кириб бориш.

Бу ёрқин санъатни «Визави» рақс шоу-группасининг гўзал қизлари янада тўлдиришади.

Олиб борувчи — Александр КОТЛИКОВ.

Томошалар:
6, 7, 12 март соат 17.00, 19.30 да;
8, 9, 10 март соат 12, 15, 18.00 да;
11 март соат 14, 17.00, 19.30 да бошланади.
Касса соат 10 дан 20.00 гача очиқ.

Маълумотлар учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04, 44-35-84.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ -ПАРФЮМЕРИЯ-КОСМЕТИКА ФАБРИКАСИГА:

ўраб-жойлаштирувчилар, созловчи-слесарлар, токарлар, юк ташувчилар, шиша идишлар омборчиси.

ЛЕНИН РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИГА:

ошпазлар, буфетчилар.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ I-ТОШКЕНТ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИГА:

бўёқчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, бетончилар, монтажчилар, электр пайвандчилар.

Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

«МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

бўёвчилар, қуритувчилар, тикувчилар, тўқувчилар, ремонтчи слесарлар, фаррошлар, қўриқлаш ходимлари.

Маълумотлар олиш юзасидан район ижроия комитетлари ҳузуридаги аҳолини ишга жойлаштириш район бўлимларига мурожаат қилинсин.

ЁЛҒИЗ ЭРКАК ВА АЁЛЛАРНИ

РСФСР КОРХОНАЛАРИ ВА ҚУРИЛИШЛАРИГА

ТАШКИЛИЙ РАВИШДА ИШГА ЮБОРАДИ

— Ленин комсомоли номидаги Москва автомобиль заводи (АЗЛК)га,

— КАМА автомобиль заводига (Набережние Челни шаҳри),

— Узоқ Шарқдаги «Звезда» заводига,

— «Куйбишевпромстрой» трестига (Тольятти шаҳри).

Меҳнат шартномаси муддати — 1—2 йил.

Меҳнат шартномаси тузган кишиларга бир йўла ёрдам пули, темир йўл орқали манзилга етиб олиш йўл харажатлари ва йўлда бўлинган вақт учун суткалик ҳақ тўланади.

МАЪЛУМОТЛАР ЮЗАСИДАН РАЙОН СОВЕТЛАРИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТЛАРИ ҲУЗУРИДАГИ АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ РАЙОН БЎЛИМЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Фрунзе райони — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.
Акмал Икромов райони — Фарҳод кўчаси, 21-уй.
Киров райони — Энгельс кўчаси, 48-уй.
Чилонзор райони — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.
Сергели райони — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй.
Куйбишев райони — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Ленин райони — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь райони — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Ҳамза райони — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй.
С. Раҳимов райони — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
«Улуғбек» посёлкаси — К. Маркс кўчаси, 1-уй.

ПОЙАБЗАЛЧИ — ҚИЗИҚАРЛИ КАСБ!



Чиройли оёқ кийимини тайёрлаш — бу юксак санъатдир. Аммо пойабзалларни, айниқса уринган оёқ кийимларини қайта ремонт қилиш ундан кам маҳорат талаб қилмайди. «Ташгоробуврембит» ишлаб чиқариш бирлашмасида Сизлар пойабзалчи касбига ўқишингиз, оёқ кийимлар ремонти бўйича моҳир уста бўлиб чиқишингиз мумкин.

Маълумотлар олиш учун телефон — 56-02-89.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 03142.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.